

ХУСУСИЙ
МАКТАБЛАРНИНГ
ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

4-бет

ҚИРҒОҚ БЎЛ БИР
ЗУМГА, ХАЙРИХОҲ,
БЎЛГИН!

5-бет

ЎЗИМНИ
БАХТСИЗ ДЕБ
БИЛАМАН

7-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 27 апрель, шанба, №47 (3393).

»» Президент

БИРЛИК. БУНЁДКОРЛИК. ТАРАҚҚИЁТ.



Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг “Бирлик. Бунёдкорлик. Тараққиёт” мавзuida XXXIII сессияси ўтди. Тадбирда ҚХАдан сайланган Парламент Сенати депутатлари, республика этномаданият бирлашмалари раҳбарлари ва аъзолари, ҚХА кўнгилчилари, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида сув тошқини туфайли юзага келган оғир вазият инobatга олиниб, Ассамблеянинг минтақавий делегатлари видеоанжуман алоқаси орқали масофадан иштирок этишди.

Президент Янги Қозоғистон ислохотлари халқимизга тинч ва осуда ҳаёт кечирishi учун яхши шароит яратиб беришни кўзлашини, шу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган, инсонпарварлик руҳи билан йўрилган янгиланишлар халқимиз турмушининг янада юксалиши, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлаши, давлатимизнинг дунё ҳамжамиятида обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

– Халқ билан мулоқотнинг самарали дастакларини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида илгари сурилди. Халқ билан очиқ мулоқотнинг дастакларини янада такомиллаштириш, муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, давлат органларига келиб тушган муурожаатларни кўриб чиқиш жараёнини рақамлаштириш, муурожаатларнинг тезкор ва сифатли кўриб чиқишини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Таъкидлаш жоиз, ўтган давр мобайнида раҳбарлар халқ орасида юришга, фуқаролар билан юзмаюз учрашиб, уларнинг дарду ташвишини тинглашга ўрганди. Бу аҳоли яшаш шароитлари тубдан яхшиланишига, турмуши фаровонлашишига сабаб бўлди. Энг муҳими, аҳолининг кайфияти, дунёқарши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, эртанги кунига мустаҳкам ишонч пайдо бўлди.

Шу билан бирга, фуқароларнинг муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш чоралари кўрилди, – деди у.

Қ. Тўқаевнинг таъкидлашича, Ассамблеянинг жорий сессияси кун тартиби “Бирдамлик. Бунёдкорлик. Тараққиёт” деб бежиз номланмаган. Бу уч сўз стратегик йўналишимизнинг мазмун-моҳиятини жуда тўғри ва аниқ акс эттиради. Унинг сўзларига кўра, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик барча давлат сиёсатининг асосий қадрияти ва доимий йўналиши бўлган ва шундай бўлиб қолади. Президент қатор долзарб вазифаларга тўхталди, уларга эришиш учун барча сайё-ҳаракатларни жамлашимиз зарур.

Давлат раҳбари Ассамблея фаолиятини янги, «Инсонпарварлик-мафкуравий доктрина» билан ҳамоҳанг равишда олиб бориш зарур, деб ҳисоблайди.

– Ассамблея сессияси ҳар йили Қозоғистон халқи бирлиги кунини арафасида ўтказилади. Бу йилги йиғилиш эса мамлакатимиз учун оғир даврга тўғри келди. Аслида, ушбу сессияни ҳозир ўтказиш мантиқан тўғридир. Бирлик ва ҳамжиҳатлик ҳеч қачон эскирмайдиган қадриятлардир, – деди Президент.

Давлат раҳбари халқ олдида жуда оғир синов турганини алоҳида таъкидлади.

– Давлат раҳбари халқ олдида жуда оғир синов турганини алоҳида таъкидлади.

– Президент қатор долзарб вазифаларга тўхталди, уларга эришиш учун барча сайё-ҳаракатларни жамлашимиз зарур.

– Ассамблея сессияси ҳар йили Қозоғистон халқи бирлиги кунини арафасида ўтказилади. Бу йилги йиғилиш эса мамлакатимиз учун оғир даврга тўғри келди. Аслида, ушбу сессияни ҳозир ўтказиш мантиқан тўғридир. Бирлик ва ҳамжиҳатлик ҳеч қачон эскирмайдиган қадриятлардир, – деди Президент.

– Давлат раҳбари халқ олдида жуда оғир синов турганини алоҳида таъкидлади.

оқибатида бузилган уй-жойларни тиклаш, жабрланган аҳолининг одатий ҳаётга қайтишини таъминлаш ҳозирда Президент сифатида менинг олдимда турган энг муҳим вазифадир. Шу боис мамлакатимизда аввалдан режалаштирилган халқаро тадбирларни қисқартириш юзасидан аниқ топириқлар бердим, – деди Давлат раҳбари.

Президент Астана халқаро форуми бу йил ўтказилмаслигини таъкидлади.

Давлат раҳбари ҚХАнинг бу ишга қўшган ҳиссасига ҳам тўхталиб, унинг олдида турган вазифаларни баён этди.

– Ассамблеяни ижтимоий яхшилик ва ватанпарварликни улугловчи институт сифатида мустаҳкамлаш керак. Унинг институционал салоҳиятини кучайтириш зарур. Ассамблеянинг давлат органлари, Парламент ва маслаҳатлар билан алоқаларини яхшилаш зарур. Сўнгги йилларда ташкилот фаолияти сезиларли даражада ўзгарди. Бу тузилма жамиятда жуда муҳим институт ва этномаданият бирлашмаларининг бош қароргоҳига айланди. Ассамблея барча даражадаги муассасалар билан турли йўналишларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши ва бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва масъуллар билан ишлашнинг самарали усулларини излашга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ҳокимлар ҳар кунини юзага келадиган кўплаб муаммолар билан шугулланибди. Уларнинг иши жуда кўп, бу тушунарли. Лекин миллий бирдамликни мустаҳкамлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Буни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаслик керак. Ассамблея этник-ижтимоий зиддиятларни аниқлаш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратиши керак, – деди Президент.

– Давлат раҳбари халқ олдида жуда оғир синов турганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)



Президент ХХРнинг Мудофаа вазирини қабул қилди

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Хитой Халқ Республикаси мудофаа вазири Дун Цзюньни қабул қилди.

Президент Қ. Тўқаев Қозоғистонга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси мудофаа вазири Дун Цзюньни кутлар экан, унинг яхши кўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини таъкидлади. У Қозоғистон – Хитой муносабатлари энг юксак даражада – абадий ва ҳар томонлама стратегик шериклик эканлигини таъкидлади.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, кўп томонлама йўналишларда Қозоғистон ва Хитойнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг асосий масалалари бўйича қарашлари ўхшаш.

– Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш доирасида амалий мулоқотни давом эттирамиз ва ўзаро ёрдам кўрсатамиз. Биз Хитойнинг дунёвий тараққиёт, хавфсизлик ва тамаддун бўйича таклиф этаётган ташаббусларини юксак қадрлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Улар халқаро хавфсизликнинг замонавий меъморчилигини мустаҳкамлашга ижобий ҳисса қўшишига ишонаман, – деди Президент.

Хитой мудофаа вазири Дун Цзюнь Давлат раҳбарига меҳмондўстлиги учун миннатдорчилик билдириб, ШХТга аъзо давлатлар мудофаа вазири йиғилишига юксак даражада тайёргарлик кўрилганини таъкидлади.

Учрашувда томонлар тинчликпарварлик, таълим ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини билдиришди.

Akorda.kz.

ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН:

ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИ 930 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ОШДИ

Жорий йилнинг уч ойи якунлари бўйича Қозоғистон Ўзбекистоннинг етакчи савдо ҳамкорлари учлигида қолди.



Январь-март ойларида мамлакатда ташқи савдо айланмаси 15,8 миллиард долларга етди ва ўтган йилга нисбатан 6,2 фоизга ошди.

Ўзбекистон Статистика агентлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда республика дунёнинг 184та давлати билан савдо алоқаларини олиб бормоқда.

Уч ой якунларига кўра, Хитой мамлакатнинг асосий савдо ҳамкорлари орасида етакчилик қилмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошди (умумий ҳажмининг 19 фоизи).

Товар айирбошлашда 17,7 фоиз улуши билан Россия кейинги ўринда туради. Бу давлат ўртасидаги импорт ва экспорт ҳажми 2,8 миллиард долларни ташкил этди.

Шу билан бирга, Қозоғистон бу борада етакчи учликни якунлади. Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 937,7 миллион долларга етди (умумий ҳажмининг 5,9 фоизи).

Шу даврда Ўзбекистондан Қозоғистонга 294,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди, 642,9 миллион долларлик маҳсулот импорт қилинди.

24.kz.

• Обуна–2024

Қадри газетхон! “Жанубий Қозоғистон”

рўзномасига обуна бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетга обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг адабини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий гурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуглаган халқимизнинг зийда чақоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойда обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲҲ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



БИРЛИК. БУНЁДКОРЛИК. ТАРАҚҚИЁТ.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлат раҳбари вилоят раҳбарлари камида икки ойда бир марта Ассамблея вакиллари билан биргалликда миллатлараро вазият бўйича йиғилиш ўтказиши, вилоятлар ва республика аҳамиятига молик шаҳарлар ҳокимлари бевосита Ассамблеянинг асосий тадбирларида иштирок этиши зарурлигини таъкидлади.

Президентнинг фикрича, Ассамблея давлат қарорларини қабул қилиш ва ислохотларни илгари суришда фаол иштирок этиши керак. Шунинг учун унинг илмий ва эксперт салоҳиятини ривожлантириш зарур. Этник-ижтимоий кескинлик ўчоқларини аниқлаш ва бундай ҳодисаларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

– Этномедиацция билан боғлиқ ишларни Алмати, Жамбил ва Туркистон вилоятлари мутахассислари бошлаб юборишган. Унинг қамровини кенгайтириш ва бу тажрибани Ассамблеянинг барча ташкилотларига тарқатиш зарур. Ассамблеяни ижтимоий яхлитлик ва ватанпарварликни улуғловчи ташкилот сифатида мустақамлаш керак. Энг аввало, Оқсоқоллар кенгаши, Аналар кенгаши каби самарали тузилмаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Вазирлик ва ҳокимликлар уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаши жоиз. Махсус грантлар ажратилиши ва давлат ижтимоий буюртмалари берилиши керак. Ёшлар Ассамблея фаолиятига янги суръат олиб кирмоқда. Шу боис, унинг тузилмалари ва этномаданият бирлашмалари раҳбарининг ўринбосарларини ёшлардан тайинлашни таклиф қиламан. Марказий ва маҳаллий органлар Ассамблеянинг ёшлар, айниқса, кўнгилчилар билан боғлиқ лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур. Бундай лойиҳалар рўйхатини тузган маълум, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

ҚР Президенти сув тошқини келтирган зарарнинг давлат томонидан тўлиқ қопланишини маълум қилди.

– Бир пайтлар битта тўғоннинг ишдан чиқи-

ши катта фожиага олиб келган. Мен вазиятни назорат қилиш мақсадида қатор ҳудудларда бўлдим. Аҳоли билан алоҳида учрашув ўтказдим. Марказий ва маҳаллий давлат идоралари табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Асосий эътибор вазият ёмонлашувининг олдини олишга қаратилган. Қўтқарувчилар кечяю кундуз ишламоқда. Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Қуроли Кучлар, Миллий хавфсизлик кўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда, – деди Президент.

Президент давлат моддий захирасидан фойдаланишга унинг фармойиши билан руҳсат берилганини таъкидлади. Фавқулодда вазиятлар бўйича республика ва вилоят штаблари ишлаётгани, маҳалла фаоллари, кўнгилчилар инсонпарварлик ёрдами йиғишни бошлаганини таъкидлади.

– Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, юксак фуқаролик масъулияти ана шу даврда яққол намоён бўлди. Қатор вилоятлар инфратузилма ва бузилган уйлари тиклашга киришди. Бу ишда йирик бизнес вакиллари ёрдам бермоқда. Мамлакатимиздаги компаниялар ва хусусий тадбиркорлар томонидан турли ёрдам жамғармаларига катта миқдорда маблағ ажратилди. Маблағлар ҳар кун тушмоқда. Тадбиркорлардан миннатдорман. Келажакда халқимиз фаровонлиги йўлида ҳам ҳамкорлик қилишимизга ишонаман, – деди Қ. Тўқаев.

Президент йиғилган маблағ аҳоли манзилларини тиклашга йўналтирилишини маълум қилди.

– Шунингдек, бахтсиз ҳодиса туфайли оғир аҳволга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатилади. Ҳеч ким эътиборсиз қолмайди. Давлат барча харажатларни қоплайди. Сув тошқини оқибатларини бартараф этиш учун бюджет харажатларини камайитириш керак. Давлат молиясини қатъий тежаш тартиби жорий этилади. Албатта, бир лаҳзада бир умр тер тўкиб орттирган бойликни йўқотиш осон

эмас. Мен буни тушунаман. Жабрланган фуқароларга яна бир бор айтаман: бутун халқ сиз билан. Тез орада барчангиз одатий ҳаётга қайтасиз. Бунинг учун давлат ёрдам беради, – деди Президент.

Давлат раҳбари экстремистик оқимлар ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилаётганини таъкидлади.

– Радикал мафқурани улуғлаш ва ксенофобияни кучайтириш мақсадида халқро беқарорликдан фойдаланмоқчи бўлаётган кучларнинг ҳаракатлари яққол кўзга ташланмоқда. Биз дунёвий таназзулнинг авж олаётганига, турли давлатлар ўртасида ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳаттоки маданий-гуманитар моҳаролар кучайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунинг натижасида дунёнинг турли бурчакларида турли экстремистик кучларнинг фаоллиги кучайиб бораётганини кўриш мумкин, – деди Президент.

Давлат раҳбари террорчилик таҳдидлари яна бир бор кун тартибига чиққанига эътибор қаратди.

– Яқинда Москва яқинида террорчилик ҳужуми уюштирилди. Қўллаб-қувватловчи қурбонларига ҳамдардик ва тилаклар билдиришди, Россиянинг Қозоғистондаги элчихонаси ва консуллиги бинолари олдида гул қўйишди. Бундай манзарага дунёнинг деярли барча давлатлари гувоҳ бўлди. Қозоғистон халқро ҳуқуқ ва инсонпарварлик гоялига қатъий амал қиладиган давлат сифатида биринчилардан бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларни тинч аҳолига нисбатан содир этилган даҳшатли ваҳший ҳаракатни қоралашга чақирди. Узаро мулоқотни йўлга қўйиш ва кучларни бирлаштириш орқалигина бутун инсоният халқро муносабатлар соҳасидаги таназзул ва парчаланиш жараёнларига қарши тура олади, – деди Қ. Тўқаев.

Сессияда, шунингдек, Республика тожик этномаданият бирлашмаси раиси Акбаржон Исмоилов, ҚХА раиси ўринбосари, Қозоғистон корейслари ҳамжамияти президенти Юрий Шин, “Ёшлар ассамблеяси” раиси Тимур Жумурбаев, Жетису вилоят «Дўстлик уйи» ди-

ректори Руфина Усанова ва бошқалар сўзга чиқишди.

Сўнг Давлат раҳбари Қ. Тўқаев бир гуруҳ қозоғистонликларга муқофотларни топширди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг Фармони билан халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлаш, шунингдек, давлат тилини ривожлантиришдаги хизматлари учун:

* II-даражали “Достық” ордени билан – Астана шаҳридаги Қайирбеков номидаги 2-мактаб ўқитувчиси Елизавета Шнайдер;

* “Ел бірлігі” ордени билан – «Қозоғистон украинлари кенгаши» раиси Юрий Тимошенко, давлат ва жамоат арбоби Мурат Ахмадиев, Қозоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси ўринбосари Ҳасан Шарипов;

* «Ерен еңбегі үшін» медали билан Степногорск болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчиси Николай Дураченко, Атиров шаҳар 3-сонли мактаб-гимназияси ўқитувчиси Татьяна Любина;

* «Шапағат» медали билан – Ўскемен металлургия комбинати рух заводи ишчиси Сергей Панасюк, Улитов вилояти Қўжамқулов номидаги қозоқ музыкали драма театри хонандаси Аркадий Побединский, ҚР Миллий гвардияси бўлим қўмондони Кирилл Пономаренко, Ақмула вилояти Аралли қишлоғидаги ўрта мактаб ўқитувчиси Анастасия Ирубаева;

* Қозоғистон Республикаси Президентининг ташаккурномаси билан Шарқий Қозоғистон вилояти Қозоғистон халқи Ассамблеяси илмий-эксперт гуруҳи раисаси Нелли Краснобаева, «Ассамблея жастары»нинг Қарағанди вилоятидаги ваколатхонаси раҳбари Александр Урмашов, Жетису вилояти «Ижтимоий тотувлик» муассасаси раҳбари Руфина Усанова тақдирланди.

Akorda.kz.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!



ЭЛ ҲУРМАТИГА САЗОВОР ТАДБИРКОР

ҳамжамиятининг медалини тақди. Чорак аср муқаддам Туркистон шаҳри чеккасида бўш ётган майдонларда бугунги кунда замонавий ёпиқ ҳовуз, таниқли шифокорлар элга саломатлик улашаётган тиббиёт клиникалари, мухташам мактаблар, кўп қаватли меҳмонхона, спортнинг баскетбол, волейбол, футбол ва бошқа турлари билан шугулланиш учун барча ша-

роитлар яратилган, спорт мажмуалари, очиқ ва ёпиқ тўйхоналар, супермаркетлар бунёд этилди. Кўплаб янги, доимий иш уринлари яратилди.

Ф. Ақешовнинг ўринбосари, меъмور Рустам Абдусатторов томонидан ишлаб чиқилган мукамал лойиҳалар асосида қурилган замонавий биноларда вилоят ҳокимлиги бошқармалари бир неча йил давомида фаолият юрит-

ган. Ф. Ақешовнинг падари бузруквори Маҳкамбой ота УВУ фахрийси эди. Урушдан сўнг кўп йиллар Туркистонда ҳисоб-китоб соҳасида самарали меҳнат қилди. Маҳкамбой ота бир неча ташкилотда бухгалтер бўлиб, кўп меҳнат қилганлиги, унинг меҳнатсеварлик фазилати барча фарзандлари, хусусан, тадбиркор ўғли Ғайратда ҳам намоён бўлганлиги фикримизнинг дали-

лидир. Шаҳар, вилоят ҳокимликлари, ҚХАнинг фахрий ёрлик, ташаккурнома ҳамда кутловлари Ғайрат Маҳкамбой ўғлининг самарали меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Камтарин, барча билан бирдек муомала қиладиган, кам гапириб, кўп ишлашни одат қилган таниқли тадбиркорнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – уяли телефонни хуш кўрмайди. Таҳририят ҳамда ўзбек этномаданият бирлашмаси ишлари билан Ғайрат Маҳкамбой ўғлига муносабат қилишдан олдин унинг тажрибали ўринбосари Тўлқин Тойонов телефонига кўнгироқларимиз ҳеч қачон жавобсиз, натижасиз қолмаганлигини миннатдорчилик билан эътироф этамиз.

Ф. Ақешовнинг тадбиркор ўғли Абдулла отаси изидан бориб, туркий оламнинг маънавий пойтахти – Туркистон шаҳрига меҳнатлари билан танилмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.



Таниқли тадбиркор, вилоятимизнинг ибратли фуқароси, доимий обуначимиз Ғайрат Маҳкамбой ўғли билан таваллуд айёми арафасида учрашиб, мулоқотда бўлдим.

Тадбиркор ўзи барпо этган спорт мажмуаларида нуфузли спартакиадаларга ҳомийлик қилиб, барча шартларни муҳайё қилди. Шунингдек, Ҳамза номли мактабнинг 105 йиллик юбилеи тантанасида мақоламуз қаҳрамони тўнғич акиси Мирзахон Маҳкамбой ўғли билан бирга ҳиммат кўрсатиб, ҳомийлик қилди.

Баҳодир Ирисметов раҳбарлигидаги вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси фаоллари Ғайрат Маҳкамбой ўғлининг кифтига халқ номидан зарбоф тўн ёпиб, кўксига ҚР “Дўстлик”

P.S. Эл ҳурматиға сазовор тадбиркор Ғайрат Маҳкамбой ўғлини таваллуд қилиш тантанаси билан оила-аъзолари, ҳамкасблари, дўстлари, қариндош-уруғлари баробарида самимий муборакбод этиб, мустақам саломатлик, бахт-саодат, бунёдкорлик режаларини амалга оширишда зафарлар тилаб қоламиз.



МАЗМУНЛИ УЧРАШУВ

“Сайрам” коллежида ҚР Парламент Мажлисининг VI, VII чақириқлари депутаты, жамоат арбоби Фахриддин Қоратов, паралимпиадачилар ўртасида стол теннисидан жаҳон ҳамда Қозоғистон чемпиони, йирик халқаро мусобақалар ғолиби ва совриндори Тўймурод Эшимов, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси мухбири Зокиржон Мўминжоновлар билан учрашув ўтди.

Дарҳақиқат, ҚР Президенти Қ. Тўқаев таъкидлаганидек, Адолатли Қозоғистонни бунёд этувчи илғор фикрли, давлат ва жамоат ишларида фаол, билимли ҳамда шижоатли ёш авлодни тарбиялаш долзарб масала.

Тадбир аввалида муассаса директори Жанара Баймағамбетова меҳмонларни таълим масканининг тарихи ва фаолияти билан таништирди. 2007 йили “Ҳамширалик”, “Даволаш иши”, “Стоматология”, “Лаборатория диагностикаси”, “Фармация” каби ихтисосликлар бўйича ўрта бугунги тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш мақсадида ташкил этилган муассасада бугунги кунда 1500 нафарга яқин талаба таълим-тарбия олмоқда. Муассасада 60дан зиёд устоз меҳнат қилади. Асосий эътибор юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилгани боис коллеж битирувчиларига эҳтиёж юқори.

Коллежда талабаларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Таълим масканида тиббиёт фанлари докторлари ва



номзодлари, профессорлар, доцентлар, олий тоифали шифокорлар дарс беришади. Шунингдек, таълим, тиббий фанлар, соғлиқни сақлашнинг асосий соҳалари бўйича ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўлими фаолият юритади.

Коллеж муассиси – тиббиёт фанлари доктори, профессор Амирхан Баймағамбетов элда саховатли, сажий инсон сифатида яхши танилган.

Учрашувда сўз олган Ф. Қоратов Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаевнинг элимизнинг бир қанча вилоятларида содир бўлган сув тошқини оқибатларида жабрланган юртдошларимизга ёрдам кўрсатиш борасидаги мурожаатига тўхталди.

– Синовли кунларда бир эл, бир халқ бўлиб, ҳаракат қилиш – инсонийлик бурчимиз. Ҳамжиҳатликда бу қийинчиликни ҳам енгамиз, – деди.

У хусусий таълим масканларининг бугунги кундаги муаммолари билан яхши таниш эканлигини ва мазкур

коллеж талабалари ҳам давлат грантлари асосида таълим олишлари жоизлигини таъкидлади. Ўз навбатида талабалар ҳам меҳмонларга турли саволлар билан мурожаат қилишди. Таниқли спорт устаси Т. Эшимов стол теннис соҳасида шу кунгача эришган шахсий утуқлари ҳақида фикр юритди.

Тадбир якунида Жанара Амирханқизи коллеж жамоаси номидан сув тошқиндан жабрланган юртдошларимизга баҳоли қудрат ёрдам уюштирилгани, Асия Кебеева, Баҳодир Ақромшиқов, Элёр Маҳкамбоев, Рустам Исохонов каби коллежнинг пешқадам муаллимлари талабаларга замон талаблари даражасида пухта билим бериш борасида фидокорона меҳнат қилаётганини таъкидлаб, меҳмонларга ташриф учун миннатдорчилик билдирди.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Янги номлар

ШИЖОАТКОР ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғидаги 6-сонли С. Киров номи мактаб нафақат туманда, балки вилоятда ҳам етакчи илм масканларидан бири.

Бу даргоҳда касбига содиқ кўплаб заҳматкаш устозлар меҳнат қилишган. Бугунги кунда уларнинг анъанасини ёш авлод вакиллари давом эттиришмоқда. Дарҳақиқат, ўқувчиларга замон талаблари даражасида билим бериш, уларни ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш – бугуннинг долзарб вазифасидир.

Жорий йилнинг февраль ойдан бошлаб, ушбу муассасанинг директори вазифасига

киришган Серик Тасмурзаев (тасвирда) ҳам ана шундай шижоатли ёшлар вакили.

У 1980 йили 23 апрелда Тўлебий туманининг Ленгер шаҳрида таваллуд топган. Серик Турмаханули Жанубий Қозоғистон педагогика ҳамда Марказий Осий Инновация университетларида таҳсил олиб, чет тили ўқитувчиси ихтисослигини эгаллаган. Меҳнат фаолиятини Ленгер шаҳридаги Қ. Тинибеков номи мактабда бошлаб, турли йилларда ўқитувчи, директорнинг долзарб вазифасида ўринбосари лавозимларида фаолият юритган педагог-тадқиқотчи.



Ёш ва сергайрат раҳбар Серик Турмаханулининг фаолиятида зафарлар тилаймиз!

З. МЎМИНЖОНОВ.

Юракдан – юракка!

“ҲАБИБУЛЛА ОТА” КОРХОНАСИ ҲИССАСИ

Саврон тумани марказидаги “Ҳабибулла ота” мебелсозлик корхонаси асосчиси, фаол обуначимиз, туман, вилоят, республика миқёсида улкан ютуқларга сазовор бўлган тадбиркор, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Иқбол Абишев (тасвирда) билан суҳбатимиз долзарб мавзуларга бағишланди.



– Вилоят ҳокимлиги қошидаги Қозоғистон халқи Ассамблеяси бўлими ташкил этган “Юракдан – юракка” хайрия тадбири доирасида тошқиндан зарар кўрган шимолӣ вилоят аҳолисига сиз раҳбарлик қилаётган жамоа қандай кўмак кўрсатди?

– Мақтаарал тумани, Арис шаҳридаги табиий тошқин ва техноген офатлардан бошлаб тинчлик, тотувлик мақсадидаги долзарб барча хайрия тадбирларида фаол иштирок этмоқдамиз. Вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметовнинг мурожаатига биноан жабрланганларга корхонамиз маҳсулотларини жўнатдик. Бу - бизнинг фуқаролик бурчимиз.

– Сиз фаоллар йигилишида ёш авлод, хусусан, мактаб ўқувчилари уяли телефон, смартфон орқали турли қимор ўйинлари гирдобига тушиб, пировардида катта

қарз ва бошқа фожиалар юз бераётгани, унинг олдини олиш зарурлиги ҳақида фикр билдирдингиз...

– Худди шундай. Бу муаммо – давримиз фожиаси. Туман, вилоят, республика даражасида бу масала мавжуд. Вилоят марказида ўтган анжуманда ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, олимлар, ҚР Парламент Мажлиси депутатларининг шу мавзудаги долзарб маърузаларини диққат билан тинглаганман. Биз, катталар ёшларга тўғри маслаҳат бериб, хатарли йўлдан қайтаришимиз лозим. “Ҳабибулла ота” корхонасини барпо этиб, ҳалол меҳнат эвазига янги иш ўринларини яратиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Саодат, барака ва иқболга смартфонлардаги қимор ўйинлари эмас, балки билим ва ҳалол меҳнат эвазига эришилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Акс-садо

АЭС ҚУРИЛИШИ – ДАВР ТАЛАБИ

Мен яқинда Туркистон шаҳрида фуқаролик альянси раҳбари Инара Намазбаева ташаббуси билан уюштирилган атом электр станцияси қурилишига оид тадбирда иштирок этиб, олимлар, энергетика вазирлиги, экологлар ҳамда турли касб эгаларининг мулоҳазаларини диққат билан тингладим.

Суюкли нашримиз “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасида шу воқеа ҳақидаги мақолани ҳам ўқидим. Давлатимизнинг энергетика соҳасини, хусусан, электр энергияси билан аҳолини тўлиқ таъминлаш йўналишидаги сажий-ҳаракатларини тадбиркор сифатида кўплаб-қувватлайман. Анжуманда қайд этилган статистика маълумотларига кўра, мамлакатимизда электр қуввати ишлаб чиқараётган манбаларнинг 70 фоизи эскирган, янгиланишни тақозо этади.

Мамлакатимиз электр таъминоти борасида мустақиллик учун ҳам АЭС қурилиши даркор. Атом энергетикасидан фойдаланиш жаҳонда



кун оша тараққий этмоқда. Қўшни Ўзбекистонда ҳам саъй-ҳаракатлар жадал. Демак, биз ҳам жаҳон тараққийоти қарвонидан орта қолмай, атом энергетикасидан фойдаланишни бошлашимиз, АЭСлар қурилишига киришмоғимиз шарт. АЭС қурилишида муҳими сифат ҳамда техника хавфсизлигига теран эътибор қаратмоқ лозим.

Аваз МИРЗАХОНОВ,
Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари.

“БАДАСТИР МАКТАБ”ЛАР ҚУРИЛИШИ ПОЁНИГА ЕТАДИ

Вилоятимизда “Бадастир мактаб” Миллий қалдирғоч лойиҳаси доирасида 2023-2025 йилларда лойиҳа қуввати 49 минг ўринлик 63та мактаб барпо этиш режаланган.

Хусусан, 300 ўринли 11та мактаб, 600 ўринли 25та, 900 ўринли 15та, 1200 ўринли 6та, 1500 ўринли 4та, 2000 ўринли 2та мактаб барпо этилмоқда. “Samruk-KazynaConstruction” ХЖ орқали 2024 йили фойдаланишга топшириладиган 29та мактаб қурилишини юристадиган пудратчи ва лойиҳа-

ловчи ташкилотлар аниқланган. Мазкур 29 мактабнинг 19таси жорий йил сентябрь ойида, қолган 10таси декабрь ойида фойдаланишга топширилади.

Вилоят ҳокимининг девон мажлисида ушбу мактабларни сифатли қуриш, малакали педагоглар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди масъул бошқарма раҳбарлари ва туман, шаҳар ҳокимларига ишни тизимли йўлга қўйиш юзасидан топшириқлар берди. “Бадастир

мактаб” лойиҳаси доирасида барпо этиладиган мактабларга маҳаллий меҳнат ишлаб чиқарувчиларнинг жиҳозларидан фойдаланиш шарт.

Шу билан бирга, мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш жоиз. Янгидан очиладиган мактабларни ёки вилоятдаги мактабларни зарур ускуналар билан таъминлаш мактабни ички жиҳозлашда BinomSchool мактаблар тармоғининг тажрибаси эътиборга олинади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

СПОРТЧИЛАР ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

Жорий йил 26 июлда тўрт йилликнинг асосий мусобақаси – Париж Олимпиадасининг машғаласи ёқилади.

Шу кунларда мамлакатимиз спортчилари Олимпиада йўлланмаси учун мусобақаларда иштирок этиб, муваффақиятга эришмоқда. Терма жамоа таркибидаги туркистонлик спортчилар ҳозиргача

бта йўлланмага эга. Улардан 4 нафари Олимпия ўйинларида иштирок этса, 2 нафари Паралимпия ўйинларида мамлакат шарафини ҳимоя қилади.

Олимпия ўйинларига йўлланма олган юртдошларимиз орасида вилоят ифтихори, 51 кг. вазнда жанг қилаётган иқтдорли боксчи Сакен Бибу-

синов, бадминтончи Дмитрий Панарин, байдаркачи Бекарис Раматулла, эшак эшиш бўйича Владислав Яковлевлар бор. Шунингдек, байдаркачи Бейбарис Спатай ва академик эшак эшувчи Темирхан Дайирбек ҳам мамлакат шарафи учун кураш олиб борадилар.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП



1 Май – Қозоғистон халқи бирдамлиги куни байрами яқинлашмоқда. Ушбу айём арафасида аҳоли манзилларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг ташаббуси билан бошланган “Тоza Қозоғистон” акцияси доирасида Сайрам туманида ҳам залворли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, яқинда Қорабулоқ қишлоғининг Ҳамза номи кўчаси ҳашар йўли билан ас-

фальтлаиб, йўлаклар тартибга келтирилди. Бу хайрли ишларга Қобилжон Ниёзбеков, Тоҳиржон Талъатов, Ҳуснимурод Талъатов, Абдуғофир Анорттоев, Бекмуҳаммад Абдукаримов каби маҳалла фаоллари ва тадбиркорлар залворли ҳисса қўшдилар.

И. АБДУКАРИМОВ.

Тасвирда: Қорабулоқ қишлоғи аҳли ҳашарда.

»» Маориф

Сайрам туманидаги 96та умумтаълим мактабининг 23таси хусусийдир. Жумладан, Қорамурт қишлоғида “Вундеркинд”, “Нурлы жол”, “Парасат”, Қорабулоқ қишлоғида “Ухуд”, “Орион”, “Сайрам”, Оқсувкент қишлоғида Д. Қўнаев, М. Аюезов номли, Манкент қишлоғида Ал Форобий, А. Навоий, А. Яссавий, А. Мўлдағулова номли хусусий мактаблар фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич буйича туман вилоятда биринчи ўринда. Айни пайтда хусусий таълим масканлари фаолияти билан боғлиқ муаммолар ҳам мавзуда. Қорамурт қишлоғидаги “Нурлы жол” хусусий мактаби директори Камолитдин Ашрапов билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.



Бизнинг маълумот: Камолитдин Ашрапов (тасвирда) 1959 йили 17 майда Қорасув қишлоғида таваллуд топган. Тошкент педагогика институтида тахсил олган, математика фани ўқитувачиси. Меҳнат фаолиятини Оқбой қишлоғидаги Чапаев номли мактабда бошлаб, Қорамурт қишлоғидаги 6-сонли мактабда ўқитувчи, директорнинг бошланғич синфлар, шунингдек, ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида хизмат қилган. Бугунги кунда “Нурлы жол” хусусий мактабининг раҳбари.

– Камолитдин ака, ўзингиз бошқараётган мактаб тарихи билан таништириб ўтсангиз...

– Масканимизнинг расмий номи – “Нурлы жол” мактаби” МЧБ. Бугунги кунда муассасамизда 300га яқин ўқувчи таълим ва тарбия олмақда. Уларга 25 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Муассасамизда ўқувчиларнинг сифатли билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Тадбиркорларимиз мактаблар очиш орқали таълим соҳасини янада ривожлантириш,

ушбу соҳада рақобатни юзага келтирган ҳолда таълим сифатини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Фарзандини қайси мактабга бериш ота-онанинг ўзига боғлиқ. Қайси таълим масканида билим олишни истаса, қарорни ота-онанинг ўзи қабул қилади.

– Хусусий мактаблар ҳақида аҳолининг фикри турлича. Сизнинг фикрингиз қандай?

– Янгиликка ҳолисона ёндашиш, хусусий мактабларга нисбатан адолатли нуқтаи



ХУСУСИЙ МАКТАБЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

назарни шакллантириш зарур, деб ҳисоблайман. Маълумки, республикамизда ҳамон икки ва ҳатто уч сменада фаолият юритадиган мактаблар бор. Нимаики хусусий бўлса, ҳаммаси маблағга бориб тақалади, деган нотўғри фикр мавзуд.

Мактабимизда дарслар бир сменада юритилади, дарсдан сўнг ўқувчилар турли фан, спорт ва ижодий тўғаракларда иштирок этишади. Мактабимизга давлат ҳисобидан “жон бошига молиялаштириш” усулида маблағ ажратилади ва бу борада муаммолар йўқ.

Тўғри, ҳар қандай янги ғоя ҳаётга осонликча жорий этилмайди. Мустақиллигимизнинг дастлабки даврида хусусий мактаблар фақат маълум бир тоифадаги шахсларнинг фарзандлари учун мўлжаллаб очилган эди. Ҳозир шароит ўзгарди. “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги Қонун доирасида кўплаб хусусий таълим муассасалари барпо этилмоқда. Шу ҳужжатга мувофиқ, хусусий мактаблар ҳам давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Демак, хусусий мактабда ўқиш учун қўшимча маблағ тўлаш зарур, деган тушунчадан воз кечилмоқда.

Давлат мактабиде узоқ йиллар фаолият юритдим. Хусусий мактабга ишга келиб, кўп масалаларга бошқача ёндашмоқдаман. Яъни, ҳар

бир масалада иқтисод қилишни ўйлайсиз, ҳуда-бехуда исрофгарчиликка йўл қўймайсиз. Ўқитувчиларга ҳам талаб қатъий. Дарс сифатсиз ўтилса, шу куниеқ ўқувчининг ота-онаси мурожаат қилади.

Хуллас, хусусий мактабларнинг афзалликлари бисёр. Мамлакатимизда бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди ва ўйламанки, таълим соҳасидаги ислохот-

баби, ўқувчиларнинг ҳаммаси фарзандларимиз, яъни барча мактабларда ўқиётганлар фарзандларимиз. Ўқув режамиз бир хил. Иш вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ амалга оширилади.

– Мактабнинг “юраги” ўқитувчи бўлгани учун кадрлар масаласи биринчи ўринда. Бу борада муаммолар борми?

Нилуфар Абдеева, Ирисхоним Муталова, Умида Тошпўлатова, Нигора Тўламетова, Анна Зубкова, Бобур Ашурбеков, Жасур Шарофиддинов, Садоқат Ўлжаева, Зоҳира Ирисбекова каби тажрибали мутахассислар фаолияти таҳсинга лойиқ. Биргина мисол, ўтган йили Ўқитувчилар кунини арафасида жамоамизнинг Маориф вазири Ф. Бейсенбаев



лар ўз мевасини, албатта, беради. Фақат ҳақиқий рақобат муваффақиятга етаклайди. Бироқ, менимча, биз давлатники ёки хусусий деб ажратмаслигимиз керак. Са-

– Бугунги кунда ўз фаолиятини тизимли йўлга қўйган, ишини тегишли даражада баҳарариб, яхши натижаларга эришадиган устозлар бисёр. Дарҳақиқат, жамоамиз асосини ёшлар ташкил этади. Шукрини, ўз ғоя ва билимини намоён этаётган ёш ўқитувчиларимиз кўп. Пенсия ёшига етган бўлсалар-да, ишлашда давом этаётган катта тажрибага эга ўқитувчилар етарли. Зеро, ҳозир рақобат даври. 2022 йил 12 сентябрда бошланғич таълим муассасаси сифатида фаолиятимизни бошлаган бўлсак, жорий йил 17 апрелда мактабимиз умумий ўрта мактаб лицензиясини олди.

Бу ўринда, мактаб раҳбари сифатида, аввало, муассасимиз Дурбек Шарофутдиновга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Педагогика соҳасида қатор йиллар ишлаб келётган

номидан ташаккурнома билан тақдирланган фаолиятимизга берилган юксак баҳодир.

– Суҳбатимиз якунида “Жанубий Қозоғистон” газетаси муштарийларига тилакларингизни айтсангиз...

– Республикада ягона ўзбекзабон давлат нашрининг миллатдошларимиз ҳаётидаги аҳамияти муҳим. Газетамизнинг мавқеи янада ортаверсин, муштарийлари сони кўпаяверсин. Жорий йил иккинчи ярмига газетамизга обуна бўлиб, бу ишга баҳоли қудрат хиссамизни қўшиш.

– Суҳбат учун ташаккур! Ёш авлодга билим беришдек хайрли ишда асло чарчаман!

З. МҮМИНЖОНОВ
суҳбатлашди.

Тасвирларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

»» Нуқтаи назар

Болаларнинг мактаб даври ота-оналарга нафақат улкан масъулият юклайди, шу билан бирга уларнинг ҳаётига ҳам таҳрир киритади. Фақат таҳрир киритибгина қолмай, таълим тизимининг янги йўриғи, талабларига буйсундиришни ҳам кўзлайди.

Ҳар гал ўша соҳага янги вазир тайинланиши билан нафақат муаллимлар, ота-оналарга юкланаётган масъулият ҳамда талаблар ҳам ортаверади. Фарзандларимиз давлат таълим муассасаларида ҳам, нодавлат мактабларда ҳам бепул билим олишмоқда. Бу қувонарли, албатта. Бироқ ота-оналарнинг мактаб фаолияти учун маблағ йиғиши қонунан тақиқланади, ҳамма хизматлар бепул, дея таълим муассасалари раҳбарлари минбарда туриб, бонг уришса, тишимни тишимга қўяман. Тўғри, мактаб муаллимлари, маъмурулари ота-оналардан маблағ талаб қилишмайди. Бироқ, бу ишларни болаларнинг эҳтиёжларини ҳис қилган зийрак ота-оналар махсус ижтимоий тармоқдаги гуруҳларда амалга оширишади. Ўша гуруҳлар фидойилари раҳбарлигида ўқувчиларнинг эҳтиёжлари учун маблағ йиғилади, бу – ҳақиқат. Ҳар бир мактаб маъмурияти тадбирбоз. Айниқса, хусусий мактаблар. Фаолиятини яқинда бошлаган таълим масканлари ўтказган тадбирларини ижтимоий тармоқлар орқали кўз-кўз қилишга, натижада ота-оналарга давлат мактабларига нисбатан мақомлари ошиб бораётганлигини исботлашга интилишади.

Хуллас, ўқувчи – ҳар бир бола учун давлат томонидан бериладиган маблағга маънавий қораш қизғин кетаяпти. Уюштирилаётган ҳар бир тадбир маълум микдорда харажат талаб қилади. Фақат биргина рақс учун кўйлақ тиктириш лозим. Ота-оналар гуруҳида оворагарчиликдан, вақт сарфлашдан қўра, ижарага кўйлақ олиш энг қулай ечим ва ўша йўналишда фаолият юритувчи иш-

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ НЕЪМАТЛАР ШУКРОНАСINI БИЛИШАДИМИ?



билармоннинг телефон рақами ҳам кўз очиб юмгунча сизнинг телефонингизда. Тўғри, болаларнинг билими, салоҳияти юксалиши учун ҳар қанча сарфласак оз. Бироқ, мактаб нуфузи учун ўтказиладиган ортиқча тадбирларни камайтирсак, мақсадга мувофиқ бўлармиди. Яқинда бу мавзуда яна ота-оналар гуруҳида бироз асабийлашишга тўғри келди.

...9-синфни тамомлаётган қизимнинг синфдошларидан ақсарияти мактабни тамомлаб, хунар ўрганишга, коллежларда таълим олишни ният қилишибди. Шу боис ҳам кўпчилик мактабдаги сўнгги йилни чиройли анъана, тадбир билан якунлаш ниятида эканлигини айтишган ва ота-оналари ҳам бунга тайёр. Биз эса, ҳали мактабда икки йил мобайнида таълим олишимиз керак, ЯМТга тайёргарлик кўришимиз жоиз, ортиқча тадбирларнинг бизга нима қизғи бор, ҳеч тушуна олмайман. Синфдошлар, бегубор болагимдан эсдалик, деб умумий суратга тушиб,

альбом олишга рози бўлдик. 12 минг тенгелик сурат альбому ким учундир маблағ эмасдир, баъзи оилаларнинг бир неча кунлик даромади. Бироқ ҳозир ҳар бир соҳага маркетинг кириб келган ва мустаҳкам ўрнашган, бундан усталик билан фойдаланишмоқда. Сураткаш йигит нафақат мактаб теварағида, балки турли жойларда, манзарали масканларда, ҳатто теннис кортида суратга тушушни таклиф этапти. Табиийки, бу жойларга бораётган ўқувчи қизлар қўшимча либос кийишлари, атир-упаларини ҳам гўзаллик салоҳида қилишга ўзаро келишибан. Бу ҳам, албатта, ота-оналарнинг ҳамёнига қўшимча харажат. Яна бир қизғи – сураткаш таклиф қилган фотостудияда расмга тушиш ғояси. У ҳам бепул эмас. Фотостудиянинг бир соатлик ижара ҳақи ҳар бир ўқувчидан 1500 тенгедан (синфда 25 ўқувчи бор).

Ота-оналар гуруҳида эса қайси либосда, қайси соч турмағи билан, қайси фотостудиядаги шароитлар

замонавийлиги қизғин муҳокама қилинмоқда. Ҳамма бир овоздан фарзандларининг чиройли, кўркем суратга тушишлари ва бундан маблағни аямасликларини (ҳаётда бир марта бўладиган тадбир, ўзбекнинг ўша “бир мартаси” кўп) ҳиссиётларга тўлиб англашишга ҳаракат қилишяпти ва барча ота-оналарнинг розилигини кутишяпти. Сукут сақлаб, мулоҳазаларини мувозанатлаштираётган ота-оналар ҳар доимгидек айбдор бўлиб қолмоқда... Ҳеч кимнинг ота-оналик туйғусини камситмаган ҳолда имкониётларимизни эътиборга олишимиз, ҳеч нарса мажбурий эмаслиги, аксинча ҳамма хизматлар бизнинг талаб истакларимизга ҳозир-нозир қилиниши ва натижада, нархи ҳам шунга монанд бўлишини тушунтирдим. Ақсарият ўқувчилар ота-оналарининг тоғанларини сарфлашга устаси фаранг. Қани энди, таълим олиш жараёнида ҳам илмга чанқоқлигини шу йўсинда намоён этишса. Биз мактабда таълим олаётган пайтимизда бир синфхонада расмга тушганимизни, соч турмақловчи, имижмейкернинг хизматидан кўра, табиийлики афзал кўрганимиз, натижада, биз бундан бахтиёр бўлганимизни эслатдим. Тўғри, ҳамма нарса замонага қараб, лекин меъёри билан-да.

Фарзандларимизга борига қаноат қилишни ўргатсак, қалбиде шукрона туйғусини уйғота оلسак, биз, ота-оналар учун энг катта марра шу. Мамлакатимизнинг кўп шимолий вилоятларида табиий офат рўй берди. Давлат раҳбари ҳам маблағни тежаш мақсадида харажат талаб қиладиган халқаро тадбирлардан бош тортганини фарзандларимиз англамасаларда, биз ота-оналар фаҳмлаймизку. Ватанимиздаги иқтисодий вазиятни

англашимиз, ортиқча ҳою-ҳаваслардан сақланишимиз жоизлигини ўқитишимиз лозим. Одамлар нима дейди, қандай муносабат билдиради, деб эмас, ишларимиз маънавиятимизга тўғри келармикан, қабилида фикр юритсак, ҳар томонлама ютуқда бўлишимиз аниқ.

Ижтимоий тармоқларда кўриб, роса таъсирланган тасвирлар ёдимга тушди. Украинага ҳарбий ҳаракатлар бошланган йили ўқ ёмғирларидан харобага айланган мактаб битирувчилари ўша вайрона жонажон мактаби ҳудудида, портлашдан омон қолган зиналарда, синфхоналарида туриб тасвирга тушиб, битирув кечаси ҳам ўша ерда марҳумларни хотирлашган эди. Улар шу билан оғир дамларни бошидан ўтказадиган ватандошлари билан ҳамдард, ватанларини ҳимоя қилишларида яқдил эканликларини намоён қилишди. Умрда бир марта бўлади, деган ғояда қотиб қолишгани йўқ.

Бизчи, минглаб ҳамюртларимизнинг бутун бошпанаси сув остида қолганлигини, қулай шароитлардан тамомила мосуво эканликларини кўриб, била туриб 9-синфни тамомлаётган, умрида бирон марта теннис ракеткасини қўлига олмаган фарзандларимизга теннис кортини ижарага олиб, уларни эсдалик учун суратга туширмоқдамиз. Биз уларни турмушга узатмаяпмиз, уйлантираётганимиз йўқ. Улар бор-йўғи 9-синфни тамомлашяпти, холос...

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»»» Китоб жавонингизга

"Фан зиёси – 2023" (Тошкент) нашриётида ҳамюртимиз Абдулла Мадалиевнинг янги рисоласи – "Ҳаётдан ҳайрат" китоби нашрдан чиқди.

"Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган мазкур китоб инсонийлик шуури билан ҳаётга назар ташлаб, унинг паст-баландликлари, яхши-ёмонликлари, ачиқ-чучуқлари, нурли ва зиммистон йўлларида иборат ҳаёт олами хусусида баҳоли кудрат фикр юритади. Ҳаётни таъмин этувчи турли омиллар, воситалар ва дастакларнинг моҳиятига, жумбоқларига эътибор қаратади. Китоб мазмунан асло ҳаёт доктринаси ва қонуниятларига тузатишлар ёки янгиликлар киритиш фикридан йироқ. Бунда ҳаёт аталмиш азиз ва муқаддас қаҳқашоннинг мураккаб олами ва фалсафасига ҳайрат ила назар ташлаш хайрлидир", дейилади унинг муқаддимасида.

"Онгли яралган инсон борки, ҳаёт нима, деган савол уни қизиқтиради ва доимий сўроққа тутаяди. Ҳаётда умргузаронлик қилаётган киши, унинг олами, сирлари, сеҳри, моҳиятини англаш бобида ожиз қолади. Ҳаёт – олий нъмат, дея эътироф этилсада, у шундай мураккаб жаранки, кўлаб паззатли, роҳатбахш, бахтли даврларни инъом этиши баробарида, турли қийинчиликлар, азоб-уқубатлар ва бошқа машаққатли кўргуликлар билан ҳам сийлайди. Инсон ўз ҳаётини ўзи қуриши, шакллантириши учун ақл билан музайян этилган. Иккинчи жиҳатидан у, бақодаги дунёсининг тамал тошини ҳам айнан шу фанодаги ҳаётийлик даврида кўйиш хабари бор. Кимлардир ҳар қандай ҳолатга қарамай, ҳаётдан рози бўлиб яшаса, кимлар эса, ҳаётдан нолиб зорланади. Ёхуд кўпчиликда муайян қатъий фикр шаклланимай, икки ҳолатнинг илқидан тутаяди. Чунки яшаш тарзи ҳар кимнинг ўзига боғлиқ қилинган. Аввал яшаб кўрмаган ва муайян тажрибага эга бўлмаган инсон учун сирли ҳамда мавҳум умр йўлини босиб ўтиши,



АБДУЛЛА АХМАД МУҲАММАДАЛИЕВ



албатта, осон кечмайди. Бу зим-зиёда ўзининг умр йўлини ёритиши, бетакрор шакл-шамойилини яратиши даркор. Бинобарин, дунёда ҳеч ким бошқа бировнинг босиб ўтган йўлидан изма-из бора олмайди. Инсоният яратилиб ҳеч кимнинг ҳаёт йўли текис ва равон кечган эмас. Ҳар ким ўзининг машаққатли ҳаёт синонларига дуч келади. Ҳатто инсон жон нисор қилар чоғи ҳам синондан ўтади. Яъни инсоннинг ҳар бир ҳаракати, фаолияти синонлар, заҳмат чекишлар, ўрганишлар орқали амалга ошади. Ҳаётда йўл қўйилган хатоликлар, нуқсонларнинг каффорати эса бениҳоядир", деб ёзади муаллиф китобнинг сўзбошида.

ҲАЁТ ОЛАМИ ВА МОҲИЯТИ – ҲАЙРАТ

Қуйида адибнинг китобдан ўрин олган тўртликларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

*Кўёш нурларига чархи жаҳон бўл,
Ёмғир булутларига кенг осмон бўл.
Ҳаста кўнгулларга малҳами жон бўл,
Эзгу саховатга тўлган уммон бўл.*

*Минг бора қайта келсангда ҳаёт шу,
Йиллар чарх айланар – фаслар баёт шу.
Ҳаёт тарзи тақрорланар янгидан,
Лек довол ошиб борар умр – оят шу.*

*Ўлимга қадар ҳаётга кўника олмадинг,
Ҳузур излаб тирикликни ҳеч топа билмадинг.
Йўқ эрур умринг шамчироғи, бисотинг зимистон,
Афсус, ҳаётинг йўлини ёрита билмадинг.*

*Биз ҳаёт уммонида сузаётган елканмиз,
Ки тақдир шамолига тутилгандир елканмиз.
Тириклик тўфониди кўйлаб сокин ҳаётни,
Доёул увос тортсада, рақс тушадир кўлканмиз.*

*Хомталовдир умр даҳшатли тўфонларга,
Бахшидадир ҳаёт буткул армонларга.
Ташвишларга гарқ бўлмаган қалбингни,
Юлиб от сен ул мусаффо осмонларга.*

*Инсон ҳаётида минг бора ўлар,
Минг бора тирилиб поймона тўлар.
Барида қайта йиғлаб, қайта кулар,
Мудом жамлаб мингни, бир йўла ўлар.*

*Бу дунё тор бўлди, этиб андуҳларим хор,
У дунё сир-асроридан хабари илм бор.
Басе, жонга тегди дунё – керакмас, у дунё ҳам,
Излайман, гамсиз, азобсиз дунё қайда бор?*

*Вақт етаклар бизни умр поёни томон,
Борин берар беминнат майдони жаҳон.
Ғамлаган бисотимизни олиб алҳол,
Сиротдан борми ўтиш имкони омон?*

*Ҳаётнинг осуда йўли – фуқаро йўли,
Илмнинг тошлоқ йўли – фозил, умаро йўли.
Шуҳрат истағи тугилса димоғингда,
Киборнинг гўборли йўли – мубтало йўли.*

*Ўтмиш – сабоқ, ҳамиша уни ёд эт,
Ўтар ҳаётнинг мазмунини зийд эт.
Яхшилик пойига уриб боши, тавалло,
Ёмонлик заволин манқалда дод эт.*

*Қисмат эмас, фақат синов сайлови ҳам бор,
Яхшилиги ёмонлиқнинг қийнови ҳам бор.
Шум тақдир, шўриш пешонанинг ҳам ҳаётдан, –
Пок иймон йўлида кетмоқ, сийлови ҳам бор.*

*Фарзанд олмагай ота насихатин,
Вайрон айлағай хароб охирагин.
Ота амрин вожиб айлаб Исмойил,
Набийлик мақомига бўлди ноийл.*

*Бизлар бир лаҳзалик он тирикликдан,
Кўнгулни қолдирма жон тирикликдан.
Ҳаёт дарёси ортда, олдинда зимистон,
Дил истағиди ҳавас он тирикликдан.*

*Ҳаётимни ўзгартирмаман дер нодон,
Матоҳидики ҳаёт алмашса осон.
Фикр-ла иш тут омондир ҳаёт,
Босган изинга қайтолмайсан ҳеч қачон.*

*Лаззат бағишлайди ҳаётга муҳаббат,
Нарса борки асл, тобланур ўтда албат.
Дил бандида ёнса ловуллаб оташи ишқ, –
Жўш урар инсонийлик – қалбингда хислат.*

*Ҳар куннинг бағрида яралади дамон,
Жаҳон занжирга тизилади заерон.
Майда томчилардан бўлар ҳосил уммон,
Айтинг, ҳаёт кўшиққа айланар қачон?!*

*Ўлмасликка қўя олмас ҳеч ким замин,
Ҳаётда йўқ инкори минг бора амин.
Мутлақ кўриб ҳаётни, эса олмас ўлимни,
Нодон сурар кайф-сафосин эркин-эмин.*

*Ҳаёт экансан, янги кундан қочиб бўлмас,
Келар синоатларнинг сирин очиб бўлмас.
Умринг бор сурурли, ғамли дамлари,
Топилмаган меҳрларнинг сеҳрин сочиб бўлмас.*

*Манглайинг шўрин ювадир пешона тери,
Пок нъмат – ато эадир пешона тери.
Ҳаёт зарбаси икки буксада беомон, –
Бахтинг беҳато эадир, пешона тери.*

*Ҳаётнинг заҳар-заққуми – бахти қаролик,
Турмушининг аччиқ қисмати – бахти қаролик.
Тақдир кўрса ёмонлиқни раво – йўқ чора,
Жаҳоннинг ҳам маломати – бахти қаролик.*

Абдулла МАДАЛИЕВ.

Қирғоқ бейл бир зумга, хайрихоҳ бейлиш!

Шоир Абдирахим Пратовнинг "Ўз дунём бор" шеърий тўпламини қўлимизга олар эканмиз, тўпلامдаги шеърларнинг мундарижасидан бошлаб ўзгача бир ихлос билан жойланганига гувоҳ бўламиз. Шоир ўз ижодида Ватан, юрт тарихи, тарихий гўшалар, муқаддас қадимжоларни шоирона нигоҳ билан, мисралар қабридан уфуриб турган ифтихор туйғуси билан тасвирлайди:

**Халқим, тарихингдан минг нишон қолди,
Лол бўлиб, ёши тенг бу жаҳон қолди.
Дунё кўп ўзгарди, лек имон қолди,
Кўҳна Сайрам қолди, Туркистон қолди.**

Шеър давомида шоир "кўп нақлим қолди" жумласи орқали халқ дурдоналарига ишора қилса, "замона қошида ҳақлигим қолди", дея ҳақиқат ғалаба қилганлиги, элнинг эрки, тили, дини сақланиб қолинганини қайд этади. Шеърда шоир:

**Ҳазрат Яссавийнинг хоки бор бунда,
Мингтага бўлинган чоки бор бунда,
Не-не улугларнинг хоби бор бунда,
Кўҳна Сайрам қолди, Туркистон қолди.**

Шеърнинг охири бандида барча туркий халқлар бешми бўлган Буюк Туркистонда миллатлараро дўстлик ва бирдамликка чорлаб:

**Йироқ кетма биздан барака-ю, кут,
Эл бўлиб бирлашсақ, ҳам эътиқод бут,
Ўзгалардан эмас, фақат Ўздан кут,
Кўҳна Сайрам қолди, Туркистон қолди,**

– дея кўйлайди. Шеърнинг бир ўрнида шоир ўхшатишлардан жуда ўринли ва унумли фойдаланади:

**Қадимдан аталур – Туронзамин бу,
Адолат дарғаси – Куръон замин бу,
Саховат пешаси – Бўстон замин бу,
Кўҳна Сайрам қолди, Туркистон қолди.**

Шоир ўз фикрини яққол ифодалаш ва ўқувчида аниқ тушунча ҳосил бўлиши учун қадимдан «Буюк Турон» деб аталган замин, Қуръонни эъзозлаган, саховатли инсонлар истиқомат қиладиган, боғу бўстонлар макони эканлигини чиройли етказиб беради.

Шеър замиридаги шоир назарда тутаятган "мингтага бўлинган чоки", "не-не улугларнинг хоби" каби мисралар ўқувчини изланишига, фикрлашга, мулоҳазага ундайди. Бу ўринда "Довруғинг билади бутун бир жаҳон, лек ўзинг билмасан ўзлингинг ҳамон" мисралари орқали ўз қадрини баланд тутушга чорлайди. Истиклолнинг узун йўлларида меҳнату машаққат, заҳматлар чеккан халқни ўзгалардан эмас, Ўздан мадад кутишга, эл бўлиб бирлашишга, эътиқодни кучайтиришга даъват этади. Худди шу каби ўхшатиш усулидан фойдаланилган "Қиш кечасида" шеърига эътибор қаратамиз:

**Қоронги кеча бу – зулмат занжирини,
Заминдаги оқлик – орзулар тиниқ.
Юлдузлар зиёси – умид чечаги,
Баҳорни соғиниб, шаймисиз интиқ.**

Шоир қаламига мансуб "Ясавий мақбараси пойида" шеърининг адабий-эстетик тамойили, мазмундорлиги, тарихий-тарбиявий аҳамияти ҳам, таъсири ҳам ўзгача. Шеър сюжетли. Ўқувчисини чуқур ўйга толдиради, дунёқарашини кенгайтиради:

**Асрлар нидосига қўлоқ тутаман,
Кўнгирик садовси келар олисдан.
Тарих қаршида халқ сураман,
Карвонлар келади карвон изидан.**

Бу мисралар орқали кўз олдимизда Буюк Ипак йўли билан боғлиқ манзаралар тикланади. Узоқлардан эшитилаётган кўнгириклар овози, ўрқачли туялар карвонини эслатади, ўтмиш манзараларини жонлантиради:

**Кўёш нурларидан товланган гумбаз,
Зангори осмонга бўлар эзизак.**



АБДУРАХИМ ПРАТОВ

**Ҳайрат-ла энтиқиб оламан нафас,
Нақадар нақшинкор, ажойиб безак.**

Шоир сўз танлашда моҳир. "Ҳайрат-ла энтиқиб оламан нафас" мисрасининг ўзи тарих ва замон ўртасида ҳаёл умонида сузаётган ҳолатини образли етказиб беради. Гоҳ ўтмишга, гоҳ бугунга қайтар экан, "нақадар нақшинкор, ажойиб безак" мисралари орқали ҳайратларини ифодалайди:

**Ички хоналарда юриб сарба-сар,
Темур замонида кездим кўп маҳал.
Анов ялтйраган жаҳоир гавҳар,
Аслида тер бир-ла берилган сайқал.**

Бундай шеърлар шоирнинг ўз олами, қиёфаси, теран ўйлари тафаккурига ишора. "Бир дoston битарон, юракдан фақат, шоирлик кудратин этганда ато!", деб эзгу нияти, ижодий режасидан хабардор қилади.

Ватанга муҳаббат, юртининг тарихий гўшаларини тараннум этиш, шоирона нигоҳ билан, фахру ифтихор билан тасвирлаш шоирнинг кўлаб шеърларида ўз аксини топган.

Она юртга муҳаббат мавзюидаги шеърлар самимийлиги, улғуворлиги билан эътиборимизни тортади. "Сайрамим" деб номланган шеърда Сайрамнинг тарихий воқеаларга жуда бойлигини, ҳали биз билмаган тилсимлар кўпчилигини, "ўзлигини тополмай, ўтдим бесамар", дея қанча тилсимли дунёлар борлигини англатади ва бир ўринда:

**Барчаси аёндир, чекинди хилқат,
Минг йиллар қаъридан кўрсатдинг жамол.
Орзу, умидларим, тилагим, фақат,
Яшнагин диёрим, топаин сен камол,**

– дея она юртга мангу безаволик тилайди. Шеър якунида Ватан, адолат, ўзликни англаш каби туйғулар шу тўрт мисра замирида жипсшлашади.

**Мозийдан сас келса, ортар ҳайратим,
Бағрингда сақлайсан, қанча тилсимни.
Ифтихор тўлади қалбга, Сайрамим,
Адашмай айтаман энди исминни.**

Шеърдаги биргина "Адашмай айтаман, энди исминни" тарзидаги иқдор замирига шоир чуқур маъно юклайди.

Шоирнинг "Бобо" деб номланган шеърда дунё носозликларидан, жаҳолат ва ҳақсизликка дуч келган инсоннинг кўнгул ҳолати, ажодларидан мадад излаши акс этган:

**Бу дунёда ҳали-ҳануз жаҳолат кўп,
Кўролмаслик, ичи қора адоват кўп,
Рухинг бўзлар, не қилай, надомат кўп,
Ҳақни дея юрак-бағрин тилгон бобо.**

Шеър давомида шоир бир ўринда илоҳият сирларига йўл бошлаб, ғарибларга ёрдам қўлини чўзган бобосига қарата:

**Жоҳил бўлдиқ, ҳикматларинг ўтда ёнди,
Авом аҳли ҳам ўзликдан, ҳақдан тонди,
Инсоф кетиб, оқибатда нени топди,
Ҳақсизликнинг ниҳоятини қадриятлар, дин ва тил оёқости қилинган кунларимизга ишора қилади. ("Ўз дунём бор". "Бобо" шеъри. 14-бет).**

"Шеър – инсон кўнгул косаси, одамнинг дардли юраги. Шеър – гулга қўниб турган мажнун капалак", деб ёзади адабиётшунос олим, мунаққид Баҳодир Карим ўзининг "Рухият алифбоси" китобида (Алматы, 2021 йил).

Ҳар бир шоир ижодида унинг қиёфаси, ўз олами, дарду дунёси намоён бўлади. Шоир Абдирахим Пратов ижодида ҳам ҳаёт фалсафаси билан йўғрилган шеърлар кўп. Шоирнинг "Хайрихоҳлик" шеъри ҳам шулар жумласидандир:

**Кимдир йўл тополмай, тентирақ ҳайрон,
Чуваланиб кетган тор сўқмоқ аро.
Бундай борақолин, бу сўнги дара,**

Кенг йўлни кўрсатар, хайрихоҳ инсон!

Шеър ўқувчисини атрофдаги дўсту ёрга эътиборли бўлишга, яхшилик уругини сочишга қаҳиради:

**Озгина етмайди қирғоққа қўли,
Чўкиб бораёттир, кимдир хайқириб.
Бир зумга унга ҳам боққил қайрилиб –
Қирғоқ бўл бир зумга, Хайрихоҳ бўлгин.**

Кимгадир қирғоқ бўлиб, ёрдам қўлини чўзиб эътиборли бўлишга чорловчи бу шеърда шоир рамзлардан унумли фойдаланади. "Чуваланиб кетган тор сўқмоқ", ҳаётнинг чигал йўллари, боши берк кўчага кириб қолиш, иложсиз қолишни англатади, "Озгина етмайди қирғоққа қўли" мисрасида "қирғоқ" – етолмаётган орзу, мақсадни билдиради. "Қирғоқ бўл бир зумга, хайрихоҳ бўлгин" мисрасида шоир "қирғоқ" сўзини – суюнчиқ бўлгин, мадад бўлгин маъносига қўллашга эришади. Шеър фалсафий руҳ билан йўғрилган бўлиб, шоирнинг ички руҳий безовталигидан, доимо уйғоқ қалбидан далолат беради. Ўз бадий оламига эга, улкан қалб эгаси бўлган шоир "Дона ўғит" тўртлигида:

**Халқимизда шундайин доно ўғит бор:
"Ўзгалар ҳолига кулмагин зинҳор",
Фалак чархпалағи айланиб бир кун,
Сени ҳам шу кўйга солиши мумкин.**

Шеър замирига сингдирилган "Ўзгалар ҳолига кулмагин зинҳор" халқ мақоли элимиз орасида "Бировнинг устидан кулмагин зинҳор, сенинг устидан ҳам кулгувчилар бор" мақолини ўзгартирилган шакли. Ёки "Тушунча" шеърдан бир мисол:

**Кўнгулга буюрмоқ ҳеч умкин эмас,
Аслида бизга у бўйсунмас ҳечам.**

Шу ўринда ўзбек халқ мақолларидан "Кўнгулга амр юрмайди" мақоли ёдимизга тушади.

Шоир Абдирахим Пратов ўз ижодида қаршилантиришдан усталлик билан фойдаланади. Қиёслаш орқали фикрга, мазмунга аниқлик, жозиба, таъсирлиликни жойлайди:

**Қайсидир юракка битиб ғусса-ғам,
Қайсидир юракнинг бахту-қиболи.
Қайсидир юракда қолдириб алам,
Қайсидир юракнинг ўтли висоли.
Қайсидир юракка бахш этиб роҳат,
Қайсидир юракнинг ўқсиқ армони.
Қайсидир юракни этиб жароҳат,
Қайсидир юракнинг бахтли даврони.**

Шеърда тақрорланиб келаётган "Қайсидир" сўзи остида шоир тақдир, турмуш тарзи, қисмати турлича бўлган инсонлар ҳақида фикр юритади. "Ғусса-ғам"га "бахту-қибол"ни, "роҳат"га "армон"ни зиддиятга чиқаради. "Абадий борсан" деб ном олган бу шеърда шоир кимнингдир юрагини яралаган, кимгадир бахтга тўла давронли онлар бағишлаган бу туйғуга таъриф бераркан, шеър якунида яқиний фикрни айтади:

**Сенданур вужудинг ажиб титроғи.
Баъзида дўзаху баъзида жаннат.
Бўлиб ҳар юракнинг эзгу-ардоғи,
Абадий борсан эй, буюк муҳаббат.**

Абдирахим Пратов шеърини билан танишар эканмиз, шоир бадий тасвир усулларидан ўз ўрнида унумли фойдаланганининг гувоҳи бўламиз. Шоирнинг шеърини бизни чуқур ўйга толдирди, ҳаяжонлантирди, атрофга ва оламга эътиборлироқ бўлишга даъват этди. Биз, мухлисари, ҳали кўп йиллар шоир ижод булоғидан ташналигимизни қондириб, шеъринидан баҳраманд бўламиз деган умиддамыз.

Озодахон МУСАЕВА.

«Бегим онам, сабр дарахтим»

ШОИРА ЭНАХОН СИДДИҚОВАНИНГ ШУ ШЕЪРИ
АСОСИДА ЁЗИЛГАН ЭССЕ

Она! Уч ҳарфдан иборат бу сўз оддийгина жаранглаши мумкин, лекин баъзи ярали қалбларни жунбушга келтириши аниқ. Мен ҳам шоиранинг «Бегим онам, сабр дарахтим» шеърини ўқиганимда, беихтиёр кўзимда ёш қалқиди, кўнглимни ғалати бир ҳислар қамраб олди. Шеърни қайта-қайта ўқир эканман, жажжи болалик чоғларимни эсладим.

Шеърда ўз фарзандининг бахту камолини кўриш учун ҳеч нарсани аямайдиган, ҳаттоки жондан кечишга ҳам тайёр «оналар» тимсоли акс эттирилган, унинг ҳар бир сатрида олам-олам маъно мужассам. Биз фарзандлар ўша сабр дарахтининг меваларимиз, гуллагандан то мева бўлиб етилгунча ўша дарахтдан озқиланадиган, куч-қувват оладиган. Кўпчилик мевани мазасига, шакл-шамойилига эътибор қаратишадиган, лекин уни жуссасида ундирган дарахтига, унинг ҳолати билан иши йўқ. Ўз онам тимсолида оладиган бўлсам, кулиб турган кўзлари ортига қанча ғамлар яширин экан, оқарган сочларининг ҳар бир толасида қанча дардлар яширин.

Хулоса ўрнида шунга айтмоқчи, дунёда ҳеч бир фарзанд она меҳрига зор бўлмасин, ҳеч бир она фарзанд доғида фарёд урмасин, сочлари ғамдан оқармасин.

Машҳура МҲМИНЖОНОВА,
89-сонли «Қайнарбулоқ»
умумтаълим мактаби.
Сайрам тумани.



»»» Ҳаёт сўқмоқларида

Ота дуоси –
муштажобБУРЧИНИ ОҚЛАГАН
ФАРЗАНД

2015 йил. Ота ва ўғил сўхбати
Муҳаммаджон:

– Отажон, мана, мактабни ҳам тамомладим. Қийинчиликлар гирдобидида қолсак ҳам, кетмоннинг кучи билан вояга етказдингиз. Ҳалолликка ўргатдингиз. Бунинг учун сиздан жуда миннатдорман. Ўз кучим билан институтга ўқишга ҳам кирдим. Иншаллоҳ, ўқишни тугатиб, ишга ҳам кирман. Қийинчиликларнинг ҳаммаси унут бўлади, отажон.

2024 йил.

– Отажон, мени табрикланг. Корхонага раҳбар этиб тайинландим.

Ота:

– Умрингдан барака топ, ўғлим...

НОНҚҮРЛИКНИНГ
ЖАЗОСИ

2015 йил. Бошқа хонадонда ота ва ўғил сўхбати.

Саидикром:

– Мактабни тугатдим, дада. Бошқаларнинг дадасига ўхшаб машина олиб бердингизми ё бирон ўқишга жойлаб қўйдингизми? Қўшнимизнинг боласидан қаерим кам? Нимага бошқаларнинг имконияти бору, меники йўқ? Нимага?

Ноқбил фарзанд ҳою-ҳавас йўлида ўзининг ким экани, кимга гапирётганини унутди. Ота эса кўзининг оқу-қораси томонидан юрагига бешафқатлик билан урилган сўз тигидан бир дам эсанкиради. Тили калимага келмай қолди.

– Ўчир овозингни!

Орага падарини бепичоқ сўйган боланинг онаси тушди:
– Қачонгача синдирасиз боламни? Боламга машина олиб беринг. Пулингиз бўлмаса, қарз олинг!

Тишини тишга босган, ғазабга тўлган, кўзларида икки томчи ёш силқиган ота кўрагини чангаллаб йиқилди.

2024 йил.

Бозорнинг бир чеккасида бир маст йигит аллақандай сўзларни хиргойи қилиб ўтирибди:

– Ичамиз! Бугун тўйиб ичамиз!

Бу нонқур йигит Саидикром бўлиб, ота-онаси вафотидан кейин уйини ҳам сотиб ичиб, шу кунларда бозорларда тиланчилик қилиб юрибди.

Ушбу икки кўринишни имом Жанобул МАНОСОВ изоҳлади.

«Аввало, отангизнинг розилигини олинг. Хизматини қилинг, шунда кам бўлмайсиз», дейилади ҳадисларда.

Дарҳақиқат, биз бу пурҳикмат сўзларнинг маъзини чақар эканмиз, пушти-паноҳимиз эртадан то шом қоронғусигача бизнинг емоқ-ичмоғимиз, билим олмоғимиз учун

елиб-югураётганини, турмуш юки елкаларини кундан-кун эзаётганини ҳис қиламиз. Боғбон ҳам ерга ниҳол экар экан, унинг азим дарахтга айланиб, мева беришига умид қилади. Ота – боғбон, ўғил-қизларларини ниҳолдек парваришлаб ўстирар экан, фарзанднинг камолида келажакда эл-юртга нафи тегадиган инсонни қўради. Уларнинг ниятларини амалга ошироқ, хизматларига «лаббай» дея шай турмоқлик, дуоларини олмоқлик, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зотан кўшиқда айтилганидек:

Отага тик боқма, имонинг сақла,
Фарзандсан, сен доим бурчингни оқла.
Отага чўп отсанг кун келиб, бир кун,
Фарзандинг сенга тош отмоғи мумкин...

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаломнинг ҳадиси шарифларида шундай дейилган: «Уч нарсаси бор, кимда у бўлса, Аллоҳ таоло унга раҳмат назари билан қарайди ва жаннатга киритади: заифга меҳрибон бўлиш, ота-онанинг дуосини олиш, қўл остидагиларга яхшилик қилиш».

Аллоҳ таоло бандаларни ота-онага яхшилик қилишга, уларнинг хизматини қилиб, кўнглиларини олишга буюрган. Ота-онага хизмат қилиш бир неча турга бўлинади. Булар:

– Ота-онага тил билан хизмат қилиш:
– ота-онанинг билан одоб билан гаплашинг;
– гаплашаётган пайтда овозингизни кўтарманг;
– ота-она хузурда заруратсиз ортиқча сўзламанг;

– уларнинг сўзларини асло рад этманг;
– улар билан буйруқ ёки таъна оҳангида гаплашманг;
– уларга қаҳр-ғазаб қилманг;
– танбех берманг;
– бирор хизмат буюришса ёки маслаҳат беришса «уф» деманг;

– ота-онага дил билан хизмат қилиш:
– чин дилдан ота-онага раҳм-шафқат кўрсатинг;
– ота-онани чин дилдан дўст тутинг;
– уларнинг шодлиқларига шерик бўлинг;
– ғамгин пайтларида ҳамдард бўлинг;
– улар томонидан бирор камчилик ўтса, ранжиманг;

– қилаётган ишингиз ёки айтаётган гапингиз ҳақ бўлса ҳам, уларга озор етказишдан тийилинг;
– уларга озор бермасликни доимо ниёт қилиб юринг;
– улардан жафо кўрсангиз ҳам умрлари узун бўлишини дуо қилиб сўранг.

Ушбу амалларни тўлиқ бажарган биринчи йигит ота дуоси билан ҳаётини муваффақиятларга эришган бўлса, иккинчи йигит отасининг дилини огритиб, икки дунё саодатидан маҳрум бўлди. Ҳаётда бундай мисоллар жуда кўп.

А. АБДУФАТТОХ.

»»» Буюк Даштнинг улуг алломалари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

– Хузур, тақсирлар, – деди ҳовлиқиб, – ман бормасам бўлмайди. Қорлуққа бало келибди. Мен кетдим.

У елиб ичкарига кирди. Нималардир тарақлади. Қорлуқ билаги катта ўрма қамчи ўтқазиб чиқди. Капа сиртидан чилвирни олиб, тез-тез белига боғлади.

Кумуш баркашдек ялтираб турган офтобга шоша-пиша эгилиб салом берди-ю, лўкиллаб сой бўйига қараб кетди. Тўғри бориб ўзини сувга отди. Соҳилдаги суворий унга пешвоз юрди. Қорлуқни ортига мингаштирди, саманига қамчи босди. Улар бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар.

– Нон талашгани кетдилар, – деди Шайх ўзига ўзи гапиргандек. – Қорлуқнинг кўзи тўқ, қорни оч, Рукниддиннинг қорни тўқ, кўзи оч. Ё, Раббий! Уч зибратчи дуо қилиб ўринларидан турдилар. Ҳазратнинг кўз олдидан ҳозирги манзара кетмай қолди. У қорлуқни чорлаб келган суворий исёнчилардан эканини сездди. Икки кундири, Рукниддин ўз халқи билан жанг қилади. Ердан бош кўтармай, қалъа сари огир одим ташлаб бораркан, Шайх кўнглида хаёллар кезади. «Ё, Раббий! Наҳот тўқлар билан очлар жанги то абад давом этса? Одам зоти мунча бешафқат! Ахир қашқир ҳам тўйса, оғзидаги лўқмасини қавмига илингай. Одам боласи ўзидин ортса, бировга бермакдин қизғонар, емай-ичмай чиритгай, ерга кўмгай, молга бергай, илло муҳтожга лозим кўрмас. Раббано! Бир ҳикматинга ақлим етмай ўртанурман. Қайсики инсон илму ирфон эгаллаб мулло бўлди, олим бўлди, ул ўзини ўзгалардин бир қарич баланд кўйди. Нафсига эрк берди. Турлуқ-турлуқ киймакка, тотлиқ-тотлиқ емакка интилди. Бировнинг ризқига илик чўзди. Элдин ўлмади, Аллоҳдин кўрқмади. Билъакс, кимки кўнгли кўзи сўқир эрса, мактаб кўрмаган омиё бўлса, эмгак остида кун кечирса, ул киши қаноатни ўзига зийнат деб билди, ҳаромдин ҳазар қилди. Бир нон топса, ярмини муҳтожга илинди, имонини сотмади. Наҳот замондин замон ўтиб уламо бирла фуқаро орасидаги бу тахлит ихтилоф давом этса? Улусликнинг кўз тиккани ўшал олимлар эмасми?! Кўли қадоқ, оёғи яланг, қурсоғи бўш эмгакчини, кўзлари ёшлик етим-есирни хону беклар зулмидин ҳимоя этиб, жонларига малҳам бўладигон ким ўзи? Аҳли илм, фазлу камол соҳиблари эмасму? Халқларни фарзандларим демиш. Баски, ўз ота-энасининг қўлларидида дармон бўлмоқдин бош товлаган гумроҳларни не деб атагаймиз? Алҳазар, оқпадар! Йўлдин адашган бандаларингни кўксига инсоф ва диёнат уруғини сочқил, парвардигорим, сендин бўлак кўмакчим йўқ, сен ўзинг меҳрибонсан, ёлғиз сенга сиғинамиз...»

ҚОРАДОВОНДАГИ
ЖАНГ

8-фасл

Ўзинг мадад бергил,

ёда тош,

Отлиқ эмас, пидёман,

ёда тош...

Мажусийларнинг
қадимги кўшиғи.

Рукниддин Шайх билан омонат хайрлашгандан кейин уч кунгача унинг хузурига этиб келолмади. У қорлуқлар исёнини бостириш учун Қорадовон этакларига жўнаб кетган эди.

Қорлуқлар юрти асли Марқа билан Кулондан нарида, Болосогун музофотида эди. Лекин улар Исфижоб вилоятида ҳам анча-мунча яшар, миришкор деҳқон, абжир чорвадор эди. Тўрт йил бурун қорахитойлар бостириб келганда улар ерликлар тарафини олди, қирғин-баротга катнашмади. Бироқ, қорлуқ деса, Рукниддиннинг елкаси тиришарди, уларнинг бари бир гўр, тили бошқа, дили бошқа, деб жини суймасди. Шу хаёлдами, ўз яқинларига сувлик семиз ерлардан иқтидо – ҳады тарзида мулк тақсимлаганда қорлуқларнинг азалий экинзорларига ҳам кўз олайтирди. Уларнинг ота мулкларини кесиб-қирқиб қўллари калта қила бошлади. Қорлуқлар бунга норози бўлишди-ю, тишларини тишларига қўйди. Қорахитойлар мағлуб Исфижобдаги ҳар бир хонадондан товон тариқасида беш-ўн динордан солиқ ундирарди.

Устига-устак, Рукниддин янги

Саъдулла СИЁЕВ

Аҳмад Яссавий

Роман



солиқлар жорий қилди. Бу қорлуқларга ҳақорат бўлиб туолди. Кентларда ғалаёнлар кўтарилди. Уруғ оқсоқоллари маслаҳат қилишиб, Рукниддинга совғасалом билан элчи юбордилар. Ҳокимни муросаю мадорага, инсофга чорладилар. Буни Рукниддин оғизлик, қўрқоқлик белгиси деб англади. Қорлуқ элчининг кўз ўнгига қимматбахо ҳадялар – хитойи шойилар, бухорий зарчопонларни ўтга ёқтирди. Элчининг соқол-муртини қирдириб сазойи қилиб жўнатди. Шарт қўйди: «Уч кун ичида қишлоқни бўшатиб Кулонга балогами кўчсанлар, бўлмаса, уйларингни ўтга бериб, мана бу латта-путтадай қулини кўкка совуражакман». Вилоятнинг турли шаҳарларида яшайдиган қорлуқлар Рукниддиннинг бу жоҳиллигидан дарғазаб бўлиб қўлларига қурол олди.

«Мард бўлсанг – эртага Қорадовонга кел, сенга сўғишни бир ўргатайлик!» деб хат йўлладилар. Рукниддинга асли шу керак эди. Ёнига эллик чоғли сара туркман йигитларидан тузилган жангчиларни олиб, пешинга яқин Қорадовондаги дўлानазорга қараб кетди. Дўлानазор атрофи очик майдон, бир томони довонга туташ, бир тарафи тор ўзакка бориб тақаларди. Рукниддин оқ отининг жоловини қаттиқ-қаттиқ тортади, бедов осмонга салчийди, гўё у ҳам эгаси каби урушга хумордек безовта типирчиларди.

Ўзақ томонда бир тўп қорлуқ кўринди. Уларнинг йигирма-ўттиз чоғлиги отлиқ, хахир, эшак минганлари ҳам бор, аммо аксарияти пиёда эди. Қорлуқларнинг қўлларидида чўқмор, сўйил, ҳатто ёғоч айри кўтарганлари ҳам кўринарди. Исёнкорлар даранинг у бетидида тўхтадилар. Бир ерга жам бўлиб нималарнидир маслаҳат қилишди.

Тўдадан бир қизил отлиқ ажраб чиқди. Ҳоким томон яқинлаб келди. Ўзақда бир қулоч сув оқарди. Отлиқ ариқ бўйида тўхтади. Қўлларини оғзига карнай қилиб қичқирди:

– Хў-ўв, мирзолим, кеш ўсаям ақлингни йиғна! Сўзингни қайтиб ол! Солигингни тўлайик, юртимизга кўз тикма! Бу ерлар Самарқанднинг ерлариямас, қорахонлардин бурун ҳам бор эди. Йўқ, десанг, ке, сўғишамиз, оғанга ўхшаб киргани тешик тополмай қолсан, ҳе-ей, бола!..

«Бола» деган сўз Рукниддиннинг ҳамиятига тегиб кетди. У садағига қўл чўзди. Сулҳ тақлиф этиб сув бўйида турган қорлуққа қараб ўқ узди. Ўқ визиллаб бориб элчининг ёнидан ўтди-ю, қари дўланага санчилди. Отлиқ қорлуқ ортига чекинди. Икки қулини кўтариб қавмларига ўғирилди. Баралла, «Овмин! Тангри тош ўзи ёрлақаб золимнинг оғзидин қони кесун!» деган хитоб эшитилди.

Шу заҳоти исёнкорлар ёпирилиб сувнинг бу бетига кўчиб ўта бошладилар.

Туркман йигитлар қилич яланғочладилар. От ўйнатиб, чўқморларини ҳавода силкиб, ёғоч айриларини чўзиб ҳай-ҳайлаганча сув кечиб ўтаётган қорлуқларга пешвоз чиқдилар. Рукниддин орқароқда, ясси тепалиқда турарди. У илгордаги тўриқ от минган қорлуқнинг кўрагини мўлжаллаб ўқ отди. Қорлуқ шаллолаб сувга йиқилди.

Буни кўриб исёнкорлар уввос тортди. «Ҳе-ей, қорлу-ўқ, жонинг бор-му?!» дея бу қирғоққа бостириб ўта бошладилар. Туркман йигитлар отларига қамчи босди. Юзма-юз жанг бошланди. Аскарлар, аввал қорлуқларнинг

суворийларини бир ёқлик қилиб олайлик, деб ўйлашдимми, жайдари от, хахир минганларга ҳужум қилди. Бир аскар елиб бориб отлиқ қорлуқнинг кўрагини мўлжаллаб найза отди.

Қорлуқ бош эгиб қолди, найза тўрт қадам нарида жанг қилаётган туркман йигитнинг елкасига санчилди. Омади келган қорлуқ найзалик аскарнинг қўлидаги қиличчини уриб туширди. Чаққон эгилиб, қилични қўлига олди.

Жанг тобора авжга чиқди. Қорлуқлар гоҳо-гоҳо бақириб-чақириб бир-бирини руҳланттирар, «Бос, қорлигим! Қоч, номард! Етган еринг шу бўлди! Ё Ватан, ё ўлим!» дея дарани янгратарди.

От тўёқлари остида бир неча қорлуқнинг ўлиги чўзилиб қолди. Аскарлар жасадлар кўрагига найза санчиб, тагин суғуриб олар, куз офтобидида найза учиди ялтिलाб турган исёнкорлар қонига телбаларча қулиб боқар, отларига устма-уст қамчи босиб, пиёдалми, отлиқми танламай, қорлуқларни гир айланттириб саваларди.

Чўқмору сўйилга умид боғлаган қорлуқлар қилич-қалқон, ўқ-ёй билан қуролланган босқинчи аскарлар олдида ожизлик қилди. Уларнинг отлари, хахирлари нобуд бўлган, ўн-ўн бештача суворийни ҳисобламаганда аксарият пиёда бўлиб қолган эди. Исёнкорлар отдан тушиб, белларидидаги арқонларини ечдилар-ю, қилич ўйнатиб бостириб келаятган аскарларнинг рўпарасига туриб олдилар. Аскар энгашиб қилич ураман, деганда қорлуқ чўқмор билан отнинг калласига олади, сўнғ қулочкашлаб арқон отади.

Аскар чилвирга ўралиб, тўрга тушган беданадай бўлиб қолади. Қорлуқ уни силтаб ерга қўлатади-ю, қўлидаги қиличчини тортиб олиб, дарров калласини узади. Ҳаш-паш дегунча қўруқ тузоқдан етти-саккиз навкар ер тишлаб бошидан жудо бўлди. Ерда думалаб ётган аскарларнинг отлари кишлаб, жанг суворонидан овлоққа қочди. Энди Рукниддин бошлиқ бир тўда навкарлар ҳам чилвир тузоқдан чўчиб пиёда бўлиб олишди. Улар қорлуқлар билан яккама-якка олишувга киришдилар. Айри билан чўқморнинг бесўнақайлиги, сўйилларнинг оғирлиги қорлуқларнинг тинқасини қуритди. Бунинг устига қорлуқлар умрбод биров билан уришмай меҳнат орқасида кун кечирган, ҳарб-зарб сирларидан беҳабар эдилар. Рукниддиннинг сарбозлари исёнкорларни жазолаш учун маҳсуз тайёрланган, буйдор, абжир, одам ўлдириш машқини олган қотиллар эди.

Намози асрга бориб ҳар икки тарафдан қўли кесилган, ўқ еган, чопилган ярадорлар кўпайди. Оқсув қизил қонга бўялди. Бирор соатдан кейин Рукниддиннинг қўли баланд кела бошлади. Қорлуқлар Қорадовонга чекиндилар. Энди уларнинг нажоти ёлғиз яда тошдан эди.

Рукниддин ҳам ўзини андак совитди, сувда бет-қўлини чайиб тин олди. Жанг майдонини кезиб чиқди. Аскарларидан беш-олтитаси ўлиб ётар, яна бир нечтаси дўланага суяниб инграб ўтирарди. Аммо қорлуқларнинг жасади қуринмасди. «Қани улар, қавмлари еб қўйганми?» деди Рукниддин хуноб бўлиб.

(Давоми бор).

»» Кун қахрамони

Балли, Нодирбек!



Бу воқеа Султонрабоб қишлоғида юз берди.

Шимкент политехника коллежи талабаси Нодирбек Камолдин ўғли ўқишдан қайтаётиб, уйи яқинидаги кўприқдан ўтаётганида велосипед ҳайдаб кетаётган боланинг сувга йиқилганини кўриб қолади ва дарҳол сувга шўнғийди. Сузиш спорти билан шуғуллангани кўл келиб, у 7 ёшли болани қутқариб қолади, биринчи ёрдам кўрсатади. Ҳаёти сақлаб қолинган болакай Расул Юсуфжонов экан.

Туман Фавқуллода вазиятлар бўлими Нодирбек Асқаридиновнинг жасоратига муносиб баҳо беришига ишончимиз комил.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ.

»» Турмуш чорраҳаларида

ЎЗИМНИ БАХТСИЗ ДЕБ БИЛАМАН

Қиз бола оилада отасидан меҳр кўрмаса, ҳаётда ҳам меҳрни кам кўради. Отам жуда қаттиққўл, шафқатсиз одам эди. Эсимни танибманки, уйда жанжал-тўполонлар узилмасди, онам аёвсиз калтаклаб, ойлаб бувимларникига кетиб қоларди.

Дабдурустан, суҳбатимни оилавий ҳаётимдаги оғриқли нуқталарга тўла лавҳалардан бошлаганимга ажабланманг. Ҳикоям бошқаларга ибрат бўлсин, деган ниятда, қиз болага кўпол муомаланинг оқибатлари қандай бўлишини кенг жамоатчиликка билдиргим келгани учун шу мисраларни қоғозга туширдим.

Оилада олти қиз эдик. Отам катта қорхонада раҳбар, обрўли-эйтиборли киши эдилар. Унинг ҳар бир сўзи биз учун қонун эди. "Чизган чизигидан чиқмай яшадик", десам муболага эмас. Онам-ку, бечора, муштипаргинам, бирор марта отамнинг кўзларига тик боқмаган. У пайтда оилавий зўравонлик, она ва бола ҳуқуқлари деган тушунчалар йўқ эди. Уйимиздаги шарт-шароитларни одатий ҳолдек қабул қилардик, ҳаммамиз отаси шунақа бўлса керак, деб ўйлардик. Бу мавзу умуман муҳокама қилинмасди. Ҳозир, эркакларда қатъий фикр, феъл-атвор, оғирроқ сўз ёки дағал муомала кузатилса, дарров, ҳақ-ҳуқуқлар талаб қилинади, қонуний жазолар ҳам кўзланган.

Биз болалигимизда отамизнинг кўзига тик боқмаганимиз, бирорта сўз айта олмаганимиз учун менга ҳозиргиларнинг гап-сўзлари эриш туюлади, рости. "Шунга шунчамми?", деб кўяман ўзимча.

Отамиз ишдан келса, бас, уйда чивин учса, билинарди. Онам ҳамма ишларини йиғиштириб, эрининг олдида парвона, овқатини берарди, кийим-бошларини тозаларди, ўтириши ёки ухлаб дам олиши учун хоналарни салқинлатиб, бизларни ҳовлига чиқариб юборарди. "Жим ҳамманг, отанг ухляпти", деган сўзининг ўзи етарли эди, бирортамизнинг овозимиз у ёқда турсин, босган қадам товушимиз ҳам эшитилмасди.

Отамиз бирор вақт мизғиб, ором олгач, газета-журнал ўқирди, телевизор кўрарди ёки улфат-журалариникига кетарди. Ана шу ёзилмаган қонун-қоида бузиладиган бўлса, ҳаммамиз балога қолардик. Биринчи бўлиб, онам калтак остида эзиларди, кейин "қиз бола экан булар", демасдан бизга ҳам "насиба" етарди.

Бир куни мактабдан келсам, онамнинг юз-кўзлари кўрарган. Нима бўлганини дарҳол англадим. Шу воқеадан кейин отам 2 ойча уйга келмади. Жазман толган экан, шунинг уйда яшаб юрди. Онам йиғлай-йиғлай, ахири, ноилж, бувимларникига кетди. Лекин ўшанда ҳам ажралишимни, эри устидан бировга арз-шикоят қилишни ўйламади. Бирор вақтдан кейин яна бизларни деб қайтиб келди. Отам онамга лоқал бир аёл сифатида ҳам эътибор бермасди. На бир янги кийим-бош олиб берар, на бирорта зиёфатларга олиб борарди. Ахир, раҳбар одам эди, таниш-билишлари, борадиган жойлари жуда кўп эди. Онамдан, рости, уяларди ҳам. Чунки онамнинг ўзига қарашга вақти ҳам йўқ, уй ишлари билан "кўмиб" ташланган эди. Ҳам руҳан, ҳам жисмонан эзилиб яшарди, шўрлик. Биз уй ишларига ёрдам берардик, албатта. Лекин у меҳр-муҳаббат, гап-муҳаббат-парварлишни кўпроқ жуфти ҳалолдан кутарди.

Отам эса буни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Биз, фарзандлар ўртага тушиб, на онамизга, на отамизга бирорта сўз айта олардик. Ҳаққимиз ҳам йўқ эди. Онамиз йиғласа, кўшилиб йиғлардик, кулса, кўшилиб кулардик. Хуллас, фақат уй ишларига ёрдамлашим билан онамизнинг жонига оро кира олардик, холос. Болалиқдан ўсимлик даврига етгач, уйимиздаги ҳолатдан, рости, нафратлана бошладим. Бир марта: "Қачонгача шундай яшайсиз?", деб онамга дадил гапирдим. Лекин боққичи онамнинг нима ҳам дерди, эрининг қамчишидан қон томиб турса, у бирорта қаршилик ёки жасорат кўрсата олардимми? Инон-ихтиёри буткул эрининг қўлида, "ёт деса ётар, тур деса" турарди. Ишонасизми, биз гўзал, ақл-хушли, меҳнаткаш қизлар бўлиб вояга етдик. Лекин отамизнинг чаток

феёли, онамизга кўрсатган кўргуликлари туфайли, ич-ичимиздан эркак зотини ёмон кўриб, ундан фақат хавфсираб яшаш керакдек, шу тарзда ўсдик.

Мен ҳам, эгачи-сингилларим ҳам вақтисоати етиб, оилали бўлдик. Унда ҳам отамиз "ўшанга тегасан", деса, "ўша"ни танлашга мажбур бўлдик. Ёдимда, мени ёқтириб юрган йиғитлардан биттаси уйимизга келиб, қўшни болалар орқали чақиртиришга уринибди. Уйда отам бор экан, билиб қолди. Ҳалиги йиғитни уриб, оғзи-бурнини қонатгач, бояқши, қайтиб ҳаётимда пайдо бўлмади...

Хуллас, ҳам жаҳли тез, ҳам рашкчи отам туфайли биз қизлар, яхши жойларга келин бўла олмадик. Лекин борган жойларимизга маҳкам ўрнашиб, рўзгорнинг оғир-енгилига қарамай, қўша-қўша фарзандлар туғиб, оилавий ҳаётимизни тўқис қилишга ҳаракат қилдик. Фақат...

Одам қанча улғайиб-ўзгариб бормасин, болалиқдаги қалб жароҳатлари, эски дардлар бот-бот ўзини билдириб туравераркан. Танам соғ бўлса-да, руҳимдаги оғриқларни яшира олмадим. Эркак зоти билан муомала қилишни қиз бола нафақат онасидан, балки кўпроқ отасидан ўрганади, деб, тўғри айтишган экан. Оилада отамизнинг зўравонлиги, золимлиги, қизларга нисбатан ҳаддан ташқари дағал, совуққон бўлгани туфайлими, яна билмадим, турмуш ўртоғим билан муносабатларимни яхши ўрната олмадим. Пул топиш, машина ҳайдаш, ҳатто, катта уйни таъмирлашни ҳам бир ўзим бемалол эплаб кетаверардим. Электр сими узилса, ёки печка бузилса ҳам, устани кутмай, ўзим тузатаман. Лекин эр-хотинлик масалаларида бахтли кунларимдан бахтсиз кунларим кўпроқ.

Турмуш ўртоғимга қандайдир ранж-аламим, ички ғалаёним бор, тез-тез уришиб қоламиз. Фақат мен шундай яшайманми, десам, опа-сингилларимда ҳам шундай ҳолатлар кузатилади. Она сифатида, келин сифатида "баҳолари" "беш", лекин эр-хотинлик ишларида уларда ҳам эътирозлар кўп. Ажрашиб, турмуши бузилганлар ҳам орамизда бор. Мабодо ўзаро уришиб, бир-биримизнинг кўнглимизни оғритиб қўйсак, ҳафталаб, ойлаб, ҳатто, йиллаб гаплашмай юрадиган одатимиз бор. Бу қусурнинг илдини яна болаликка боғлайман.

Болалик. Отам лоқал бир марта бошимни силаб, бағрига босиб, эркалатмаган экан-а. У киши уйда бўлса, иложи борича, кўзига кўринмасликка ҳаракат қилардим. Тавба. Ҳозир менда уч қиз бор. Имкон қадар, уларга қаттиқ гапирмасликка, кўнглиларини овлашга ҳаракат қиламан. Кўзларидан ёш кўрсасам, меҳр-муҳаббат билан яшашса, деб орзу қиламан. Шукри, оталари қизларига меҳрибон. Мендан кўра оталари билан очик муносабатда, эркаликлар қилишади, у киши кўтарарди.

Ота-онага итоат ва яхшилик қилиш динимизда буюрилган. Мен фарзанд сифатида ота-онамга қўлимдан келганини аямасдим. Чунки уларга қилинган яхшилик туфайли Худодан яхшилик келишига ишонардим. Фақат онда-сонда оиламиздаги ноҳақ зулмлар ёдимга тушса, кўнглимни оғриқ босади, хузур-ҳаловатим йўқолади, ўз-ўзимдан эркак зотини ёмон кўра бошлайман, эримга муносабатим ўзгаради. Ҳасратим тошиб, уни кимлар биландир бўлишим келаверади.

Шу боисдан хонадонимда қиз бола тарбиялаётган оталарга айтарим, қизларингизни ҳаётда бахтли-саодатли кўришни истасангиз, аввало, уларни туғиб берган жуфти ҳалолнингизга меҳр-муруватли бўлинг. Онасини доим хурсанд, бахтли кўрган қизга кўп нарса керак эмас. Меҳр кўрган одам, атрофдагиларга ҳам меҳр бера олади. Ахлоқи яхши, гўзал сифатлари кўп бўлади. Шахсан ўзим бунга қафил ва гувоҳман.

ҲАМРОЗ.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

КУТУБХОНА – МАКТАБ ЮРАГИДИР



Саврон тумани, Бершинтўбе қишлоғидаги Дилмира Файзиева раҳбарлик қилаётган Ўзбекили Жанибеков номидаги умумтаълим мактаби кутубхона мудираси Дилхумор Йўлдошева "Жанубий Қозоғистон" газетасининг фаол жонкуяридан бири.

Д. Йўлдошева Ўранғай қишлоғида 1972 йили 4 май куни Ҳасан ака ва Сидиқа ая оиласида дунёга келган. Мактабни муваффақиятли тамомлагач, тиббиёт коллежида, сўнгра Шимкентдаги М. Ауезов номидаги университетда таҳсил олди. Умр йўлдоши, тадбиркор Фозилжон Йўлдошев билан қобил фарзандлар Бобир, Қодир, Феруза, Нодирларни тарбиялаб, ширин неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳибаси. Иқтидорли олий маълумотли математик ўғли Қодир ҳам шу мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бермоқда.

Мактаб кутубхонасида ўқувчиларнинг илмий, бадиий адабиётни мутолаа қилишлари учун барча шароитлар муҳайё. Турли саналарга бағишланган тадбирлар мунтазам ўтказилиб, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жаҳон андазалари даражасида билим бериш борасидаги саъй-ҳаракатлар бисёр. Туман таълим бўлими томонидан ташаккурнома ва мактов ёрликлар билан тақдирланган.

Ҳамкасблари, жамоа билан биргаликда Дилхумор



Ҳасан қизини таваллуд кунини билан муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, оилавий саодат ҳамда янги зафарлар тилаб қолади.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Ж. МАДИХОН ўғли суратга олган.

ШОМУҲАММАД ЗАЙНИДДИН ЎҒЛИ ОИЛАСИГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРИЛДИ

Қозоғистон Муслмонлари диний бошқармаси раиси, Бош муфтий Науризбай Ҳожи Тағанули қарноқлик Шомуҳаммад Зайниддин ўғли Бобоҳонов (таъсирда)нинг умра ҳаж сафари чоғида Мадина шаҳрида вафоти муносабати билан оиласига таъзия йўллаб, ҳамдардлик билдирди.

"Ҳосиятли маконда, имоми Шомуҳаммад Зай-

ниддин ўғли 1962 йили туғилган. Олий маълумотли. Фарзанди Бобораҳим мадрасани тамомлаб, Мисрдаги университетда таҳсил олмақда.

Таъкидлаш жоиз, Саврон туманининг Қорачиқ қишлоғида истикомат қилган 85 ёшдаги деҳқон Ирисбой Юсуфалиев 2006 йили ҳамда эскиқонлик шифокор Олмос



Йўлдошев ҳам ҳаж сафари чоғида Маккада вафот этиб, ўша юртда дафн этилган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

»» Хотира муқаддас



Бахт ва муҳаббат саодатига шукроналар айтиб яшаётганимизда уч йил муқаддам осмонимизни қора булут қоплаб, қўқисдан келган шун ажал бизни оиламиз устунини Тоҳир Акбаровдан жудо қилди. Инсон умри, унинг оз ёки кўп яшагани билан эмас, ортида қолдирган яхши ишлари билан ўлчанади.

Тоҳир Акбаров ишчи оиласида туғилиб, вояга етди. Онасининг айтишича, ўқишга, меҳнатга иштиёқи баланд бўлган. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқишни муваффақиятли тамомлади. Қадрдон дўсти ва синфдоши Раҳмон Мавлонов билан дипломли мутахассис бўлиб, эл равнақи йўлида самарали меҳнат қилишди.

У қаерда ишласин, меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги, уздабурлиги, тўғрисузлиги билан ажралиб турди. Собиқ "Коммунизм" жамоа хўжалигида "Нур Сармат" уруғлик чигит етиштириш ширкатида раҳбарлик қилган 20 йиллик самарали меҳнати мобайнида Туркистон тумани хўжалиқларини сифатли уруғ билан таъминлади. Билимдон раҳбар, олижаноб инсон, ташаббускор шахс эканлигини намояндаларди. Тоҳир Акбаров жамоасидаги ҳар бир ишчининг оилавий шароити билан яқиндан танишиб, кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатиб келган. Пахта майдони ёнида ҳашар йўли билан катта шийпон қурди.

Туман, вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган семинар, анжуманларда фаол иштирок этарди. Кўп марта ташаккурнома ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Салом беришининг ўзи файзли эди. У кириб келган давралар "Ассалому алайкум!" каломидан

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ

ноқ яшнаб кетар, ҳазил-мутойиба, уйин-кулугу авжига қарарди. Каттакич, барчага бирдай муомала қилар, айниқса, кичкинтойларни жуда яхши кўрарди. Маҳалламизда ободонлаштириш ишларида ҳам ҳиссалари бор. Ўзи қурилишини бошлаб кетган пиёдалар йўлаги ўғли Меҳриддиннинг ҳомийлигида ўтган йил кузда битказилди.

Тоҳир ака оилада вафодор ёр, меҳрибон ота, невараларига жонфидо бобо, ака-ука, опа-сингил, қариндошларига доимо ўринли маслаҳат ва ёрдам берган ғимматли инсон эди. Волидаи муҳтарамам-

Меҳриддин Сайрам туманида бошқарма бошлиғи, қизимиз Мафтуна АҚШда Нью-Йорк тижорат ва инглиз тили институтида таҳсил олмақда. Келинларимиз Ажар ҳисобчи, Бибиойша қозоқ тили муаллимаси.

59 йилдан зиёд умр кўрган Тоҳир ака билан 35 йил бирга умргузаронлик қилганимдан фахрланаман. Адолатни ардоқлаб, ҳақиқатни айти оланг Тоҳир аканинг ҳаётидagi ибратли жиҳатларни ўрнат учун тилга олдим.

Баҳор фаслида дунёга келган, фаолияти, хайрли ишлари билан



сининг ҳурматини жойига қўйган қобил фарзанд эди.

Оила шаънини ҳамиша баланд тутган, фарзанд тарбиясида талабчан эди. Муштарак ҳаётимиз давомида икки ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Тўнғич қизимиз Хандона Алмати шаҳрида, ўғлимиз Мирмуҳсин Шимкент шаҳрида таниқли шифокор.

барчамизнинг қалбимиз тўридан жой олган Тоҳир Акбаровнинг охи-ратлари обод бўлсин!

Муқаддам РУСТАМ қизи, фахрий муаллима.

Тасвирларда: Тоҳир Акбаров; ўқув юртида бирга ўқиган дўстлари билан Ясавий мақбараси қошида.

»» Яхшилардан сўз очдик

Чехрасидан нур, сўзларидан ҳиқмат ёғилар

Қарноқ қишлоғи азалдан илмга чанқоқ инсонларга бой гўша. Қишлоғимизнинг хурматга сазовор инсонларидан бири Турсун Холметова тўғрисида тўхталмоқчиман. Турсун опа 1934 йил 1 май куни кўҳна қишлоғимиздаги Холмат бобо ва Жамила опа хонадонидан дунёга келган.

1951 йили ҳозирги Маҳмуд Қошғарий номи мактаби аъло баҳолар билан тамомлади.

1941-1945 йилларда «Ҳамма нарса фронт учун» шиори остида мактаб ўқувчилари билан бирга жамоа хўжалигида галла ўрими-дан сўнг бошоқ теришда онасига ёрдам беради.

Мактабдан сўнг Низомий номи педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини (Тошкент) тугатган.

Мактабда устозлари, қишлоқ фахрийлари Сулаймон ака Амиров, Суннатулла ака Рашидов, Саъдулла ака Абдужабборов, Мамадамин ака Маҳмудов, Очил ака Жалилов каби устозлардан таълим олгани ёдида.

1955 йили унга Туркистон тумани, Чога қишлоғидаги ўрта мактабга йўланма берилади. Жамоатчилик асосида ўқитувчилар комсомол

қўмитаси раиси вазифасини ҳам бажарди.

1956 йилда Қарноқ қишлоғидаги ўрта мактабга ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинди. Шу йили мактабда география ўқитувчиси бўлиб ишлаётган Бектош ака Расуловга турмушга чиқади. Шу мактабда 30 йил мобайнида фаолият юритиб, 1986 йили нафақага чиқади, 8 фарзанднинг онаси.

Фарзандлари Баҳром – муҳандис-геолог; Бахтиёр – муҳандис-энергетик; Озода – физика фани муаллимаси; Пўлатжон – география ўқитувчиси; Сабоҳат – рус тили ва адабиёти муаллимаси; Саодат – шифокор; Даврон – автоматлаштириш буйича устозлардан таълим олгани ёдида.

Бугунги кунда пиру-бадавлат онахонимиз 28 неварара, 43 эвараси ардоғида. Фарзандларидан 3 нафар ва 10 нафар невараси

онахоннинг изларидан боғриб, ўқитувчилик касбини улуғлаб келишмоқда.

Онахон шогирдлари жуда кўп ва шулар қаторида «Қозоғистон олтин китоби»га киритилган устоз-мураббий Хусан Садилов, шоир ҳамда таржимон Долимжон Сайфуллаев ҳам бор.

Фаолияти давомида онахон туман ва вилоят таълим бошқармаларидан фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар билан тақдирланган. «Олтин халқа», «Қарноқнинг 2000 йиллиги», «Меҳнат фахрийси» каби медаллар билан тақдирланган.

Турсун опа 90 ёшни қарши олмоқда. Биз онахонга узоқ ва барокатли умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз!

Миннатдор шогирдлари номидан:

Шариатулла ИБРОҲИМОВ.

Тасвирда: Турсун опа невараси билан.



«Влоҳдайт»

“СОЛМА КҮЗ – КИМСА БЎЛСА НОМАҲРАМ, ГАРЧИ НАФСИНГ ТОПАР НАЗОРАДА СУД. КИ НАЗАРКИМ ҲАРОМ – ШАЙТОННИНГ НОВАКИДУР ВА ЛЕК ЗАҲРОЛУД”. Алишер НАВОИЙ.

(Маъноси: “Агарчи боққанда нафсинг баҳра олса ҳам, номаҳрамга асло қарама. Ҳаром назар шайтоннинг ўқидир ва лекин заҳарли).

«Варқу ғард донишмандлиги»

- ОДОБ ШУНДАЙ ТОЖИ, ПОКУ БЕҒУБОР, БОШИНГА ҚҮЙГИНУ ҚАЙГА БОРСАНГ БОР! Бархурдор ибн МАҲМУД.
ТАЪЛИМДАН КҮРА ТАРБИЯ МУҲИМОҚ. ТАРБИЯ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРАДИ. Антуан Сент-ЭКЗЮПЕРИ.
ХУЛҚ ГҶЗАЛ БЎЛСА, БАРЧА ХАЛҚ СЕВАДИ, ХУЛҚИ ТЎҒРИ БЎЛГАН КИШИ ТЎРГА ЧИҚАДИ. Юсуф Ҳос ҲОЖИБ.
ИНСОН ВАЗИЯТ ТАҚОЗОСИГА КҮРА ЭМАС, ТАБИАТАН ҲАЛОЛ БЎЛМОҒИ КЕРАК. Марк АВРЕЛИЙ.
ИЛМ БИР ДАРАХТ БЎЛСА, ОДОБ УНИНГ МЕВАСИДИР. ОДОБСИЗ ОЛИМ МЕВАСИЗ ДАРАХТДИР. Муҳаммад ЗЕҲНИЙ.
БИЗНИ НАМУНАЛИ ЖАМИЯТДА ҶИМИЗНИ ТУТИШГА ҶРАТИШДИЮ, НАМУНАЛИ ЖАМИЯТНИНГ ҶЗИНИ ЯРАТИШМАДИ. Марк ДУБОВСКИЙ.



КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ БИЛИМ МАСКАНИ “САЙРАМ” ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

“Сайрам” коллежи вилоят таълим департаментининг 2007 йили 23 августдаги №0038304 АБ Давлат лицензияси асосида ташкил этилган.



Коллеж директори: Жанара БАЙМАҒАМБЕТОВА.

Муассис – тиббиёт фанлари доктори, профессор Амирхан Баймағамбетов.

Утган 18 йил мобайнида коллежда 3 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди. Улар бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида меҳнат қилишмоқда.

Коллежда талабаларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Жумладан, компьютер ва стоматология хоналари, лаборатория,

ўрта бугун тиббиёт мутахассисларини тайёрлайдиган пешқадим таълим масканларидан бири “Сайрам” коллежи 2007 йили очилган.

мажлислар зали, кутубхона, электрон кутубхона, ёпиқ спорт мажмуаси, ошхона, тиббиёт пункти, ётоқхона мавжуд. Таълим масканида тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари, профессорлар, доцентлар, олий тоифали шифокорлар дарс беришади.

Коллежда шунингдек, таълим, тиббий фанлар, соғлиқни сақлашнинг асосий соҳалари буйича ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўлими фаолият юритади.

Ўқиш муддати: 11-синф асосида 2 йил 10 ой, 9-синф асосида 3 йил 10 ой.

ҲУЖАТЛАР:

- 3x4 ҳажмидаги фотосурат (4 дона);
Ўқишга кириш тўғрисида ариза;
Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
№75 намунасидаги тиббий маълумотнома.

МАНЗИЛ: Шимкент шаҳри, Сайрам даҳаси, А. Темуралиев кўчаси, 204-уй. Электрон манзил: kolledj_sairam
Тел.: +77013530643, +77763710371, +77471579050, +77479372410, +77027863920, +77078933403, +77752263130.



»» Тўйхат ўрнида



Устозлик масъулияти

М. Аuezov номидаги Жанубий Қозоғистон университети филология факультети қозоқ тили ва адабиёти кафедрасининг доценти, таниқли олим, тилимиз жонқуяри Ёрмуҳаммад Мадалиев шу кунларда муборак 63 ёшини қарши олмоқда.

сўз ўйинларининг ҳамда туркий халқлар оғзаки ижодида латифа жанрининг тараққиёт босқичлари тадқиқоти борасида салмоқли натижаларга эришди.

Ё. Мадалиев нуфузли халқаро анжуманларда долзарб мавзудаги маърузалари билан мунтазам иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида университетда ўнлаб шогирдлар етиштирди.

Оилада тўнғич фарзанд бўлгани учун Ёрмуҳаммад Худойберган ўғли укаси Аҳмад ва сингиллари – Саодат, Дилором, ва Дилфузаларнинг олий таълим ва ҳунарли бўлишлари учун жонқуярлик қилди. У турмуш ўртоғи Элмирахон билан икки ўғил – Бобур ва Нурмуҳаммад ҳамда икки қиз – Феруза ва Қизлархонни тарбиялаб, вояга етказди. Шукурки, улар эндиликда турли соҳаларда эл раванқи йўлида меҳнат қилишмоқда.

Фан соҳасида эришган ютуқлари учун олимга М. Аuezov номидаги ЖҚУнинг доценти, шунингдек, Халқаро адабиёт, санъат, маданият ва ижтимоий фанлар академиясининг академиги унвонлари берилган. Ё. Мадалиев Бутунжаҳон халқ ижодкорлари уюшмасига аъзоликка қабулланган.

Ёрмуҳаммад Худойберган ўғли зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилувчи, садоқатли, адолатпарвар шахс. Шунинг учун ҳам унинг дўстлари кўп. Устознинг келгуси фаолиятига муваффақият ва омад, оиласига хотиржамлик, ўзига эса мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз!

Зокиржон МҶМИНЖОНОВ.



У 1961 йил 6 майда Тулкибош тумани, Озодлик қишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни тамомлагач, 1978-1982 йилларда Ғафур Ғуллом номидаги Сирдарё давлат институтини тахсил олиб, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси касбини эгаллади. Меҳнат фаолиятини Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги 4-сонли мактабда бошлаган, сўнг армия сафида хизмат қилган. 1989-1993 йилларда Ўзбекистон ФА қошидаги Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти институти аспирантурасида тахсил олди.

1993 йили она юртига қайтиб, Шимкент давлат педагогика институтини катта ўқитувчи сифатида устозлик фаолиятини давом эттирди. 1997 йили мазкур даргоҳ Жанубий Қозоғистон давлат университетига айлангач, филология факультети қозоқ тили ва адабиёти кафедрасининг доценти бўлди.

Ёрмуҳаммад ака ҳаётда ўз олдига улкан мақсад қўйиб, унга эришиш учун, аввало, падари бузруквори Худойберган ота ва волидаи муҳтарамаси Хуринисо аяларнинг дуосини олишга ҳаракат қилди. Ота ро-

зи – худо рози, деганларидек, мақсад рўёбга чиқди, эл орасида обрў-эътибор қозонди, тенгдошларидан кам бўлмади.

1997 йилдан Мухтар Аuezov номидаги университетда самарали меҳнат қилиб, тажрибали устоз сифатида танилди. Илм соҳасидаги изланишлари ҳам беасамар кетмади, 2022 йили филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори илмий унвонига сазовор бўлди.

У “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2010-2012 йилларда газетанинг муҳбири сифатида хизмат қилиб, Қозоғистон Журналистлар уюшмасига аъзо бўлади.

Масъул шахслар:

- Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тулعبий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҶЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҶМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкитбош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

- Мақоалалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун иррадиолар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Фойдаланилмаган мақоалаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«ERNUR-online» МҶБ Босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11700 нусха. Буюртма 1039. Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВ.
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҶРОНБОВ.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.